

جدید

2025-yil 25-iyul
№ 30 (82)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

НУҚТАИ НАЗАР

ЎЗБЕК КЕЛАЁТИР..

Ўзбекистон деганда
ўнг кўлим беихтиёр
кўксимга қандай
кўтарилганини ўзим ҳам
сезмай қоламан. Айниқса,
Янги Ўзбекистоннинг
кейинги йиллардаги
улкан зафарларининг хуш
муждаларини эшитганимда
кувонганимдан ўзимни
кўярга жой тополмайман.



(Давоми 3-саҳифада.)

БАТАН МАНЗУМАСИ

Муҳаммад ЮСУФ

ИҚРОР

О, ота маконим.
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркем.
Римни алишмасан бедапоянгга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,
Тоғларинг ортимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин.
Ё худбинман, ё бир содда касман мен –
Парижнинг энг гўзал ресторанларин
Битта тандирингга алишмасан мен.

На гапга кўнайин,
На тил билайин,
Кўздан уйку қочди, дилдан ҳаловат –
Уч кунда соғинсам нима қилайин,
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улуғим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда туғилган қўзинг
Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳим келади.
Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳим келади.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

“ЎЗБЕКИСТОН – ОҲАНРАБОЛИ ЮРТ”

Ҳиндистондаги Жавоҳарлаъл Неру университети профессори,
турколог Ахлоқ Аҳмад АХАН билан суҳбат



– Ҳурматли профессор, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янги босқичга кўтарилаётгани илм-фан соҳасида ҳам ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Сизнинг мисолингизда опсак, сўнги йилларда юртимизга таширфингиз сони ортиб бормоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Сизни Ўзбекистон, ўзбек халқи тарихини ўрганишга нима илҳомлантирган?

– Ўзбекистонга тез-тез келишимга икки сабаб бор. Биринчидан, камина Амир Темури, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур маънавий мероси ҳамда Марказий Осиё ва Ҳиндистон яриморали ўртасидаги кўп минг йиллик маданий-тарихий алоқалар устида изланишлар олиб бораман.

Масалан, буддизм Ҳиндистондан бу ергача етиб келган бўлса, кейинроқ ислом дини айнан Марказий Осиё орқали бизнинг диёрларда ёйилган. Шунингдек, бугун бизнинг юртимиздаги миллионлаб одамлар боғирийлар даврида ёйилган нақшбандия тариқатида бўлиб, улар ўзлари ихлос қиладиган пирларни дунёга келтирган диёр билан руҳий боғлиқликини ҳис қилади.

Ўтмишда Бухоро, Самарқанд ва Хоразм интеллектуал инқилоблар маркази сифатида бутун жаҳонда муҳим ўрин тутган. Дунё тараққиётидаги маданий ва маънавий эврилишлар айнан шу ерларда бошланган. Марказий Осиёни таниш учун мана шу эврилишлар тарихини чуқурроқ ўрганиш керак.

(Давоми 5-саҳифада.)

ТИББИЁТ

“Одам танасининг муҳандислик мўъжизаси – умуртқа”, дейди Илон Маск. Дарҳақиқат, умуртқа инсон бўйининг тўртдан бирини ташкил этувчи мураккаб тузилмадир. Абу Али ибн Сино умуртқага озор етса одамнинг жисми ҳам, руҳи ҳам азият чекишини айтиб, ҳар қандай табиб текширувни умуртқадан бошлаши кераклигини бўйича кўрсатма берган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда энг кенг тарқалган ва тобора ёшараётган касаллик бу – умуртқалараро диск чурраси.

Умуртқалараро диск чурраси деганда кўпчилик умуртқа орасида пайдо бўлувчи гўштсимон ўсмани тасаввур этади. Аслида, бу касаллик умуртқа дискларидаги лиқилдоқ пулпоз ядро эластик ҳолатининг бузилиши оқибатида унинг фиброз ҳалқани ёриб чиқиб, орқа мия каналига оқиши билан юзага келади.



ҲАЁТ ЙЎЛИ – ҚУВВАТ МАНБАИ

Умуртқалараро диск чурраси ана шу оқиб чиққан пулпоз ядро суоқлигининг ўнг ёки чап томондаги спинал илдицларни эзишига қараб ўша жойдаги томирларда тортишиш, оғриқларнинг ҳосил бўлиши билан характерланади. Беморда доимий ҳолсизлик, қўл-оёқ, елкаларда оғирлашув, сурункали оғриқ ҳолатлари кузатилади.

Умуртқа диски чурраси тананинг қайси қисмида ҳосил бўлса, жойлашган нуқтасидан пастдаги аъзолар ҳаракатига таъсир ўтказади, яъни ўша соҳадаги мушакларнинг спазм – ихтиёрсиз, қисқа муддатли ва оғриқли қисқаришига сабаб бўлади. Унинг келиб чиқишига асосан камҳаракатлик, семирish, травмалар, ноқулай ҳолатда оғир юк кўтариш ва сурункали шамоллаш сабаб бўлади.

Шунингдек, ҳар бир инсон умуртқа поғонасининг оғир юк кўтара олишига ва чидамлилиги юқори бўлишига қарамай, у айни шу аъзоси билан тик эканлигини унутмаслиги ва саломатлигига жиддий эътибор бериши керак.

(Давоми 3-саҳифада.)

ТАҚДИМОТ

“АНОЙИНИНГ ЖАЙДАРИ ОЛМАСИ” ҚАРДОШЛАР САҲНАСИДА

Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида йигирма икки йилдан буён ўзбек драма театри фаолият кўрсатиб келади. Бу ажойиб театр ҳақида анчадан бери билиб-эшитиб юрган бўлсам-да, у ерга бориш, спектаклларини томоша қилиш шу чоққача насиб қилмаган эди. Яқинда шу ниятим амалга ошди.

Чимкентдаги ўзбек драма театри саҳнасида устоз адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам қаламига мансуб “Анойининг жайдари олмаси” ҳикояси асосида спектакль премьераси бўлиб ўтди. Таниқли режиссёр Сайфиддин Мелиев томонидан саҳналаштирилган ушбу спектаклга Ўзбекистон номидан муаллиф бошлиқ бир гуруҳ зиёлилар тақлиф этилиб, томоша қилиш ва фикр билдириш имкони туғилди.

(Давоми 6-саҳифада.)



КЕЛАЖАК ОВОЗИ



КУТУБХОНА – БИРНИКИ, МАНФААТ – МИНГНИКИ

Президентимиз ташаббуси билан мутолаа маданиятини янги босқичга олиб чиқиш ҳаракати бошланганига саккиз йил тўлмоқда. Ўтган вақт мобайнида тизимли ислохотлар самара бериб, юртимизда китобхонлар сафи кенгайди, китоблар сони билан бирга сифати ҳам ортди. Нашриётлар ва босмаҳоналар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланди. Ўз навбатида китоб савдоси билан шуғулланаётганларга қатор имтиёзлар ҳам берилди.

Бу ўзгаришлар тадбиркорларни ҳам бефарқ қолдиргани йўқ, албатта. Берилган имкониятлардан унумли фойдаланаётган юртдошларимиздан урганчлик ота-ўғил Абдуллаевларнинг саъй-ҳаракати айниқса, таҳсинга сазовор.

Яшириб нима қиламиз, савдо-сотик соҳасига кириб келаётган аксар тадбиркорлар ишни озиқ-овқат дўконидан бошлашга ҳаракат қилади. Билади-да, тирик жон кўнига уч марта овқатланишга мажбур.

(Давоми 4-саҳифада.)



ГУРУНГ

— Келинг, суҳбатимизни хотирлардан бошлаб, талабалик йилларингизга назар ташласак. Ўша пайтда сиз яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси соҳасини танлаган экансиз.

— Физикага болалиқдан қизиққанман. Табиий фанларга иштиёқим баландлиги туфайли 1963 йили Тошкент давлат университетининг физика факультетига ҳужжат топширганман. У пайтларда ўқишнинг иккинчи босқичидан сўнг ҳарбий хизматга чақиришарди. Кўп қатори мен ҳам аскарликка олиниб, Венгрияга жўнаб кетганман.

Уч йиллик хизмат мен учун фақатгина ҳарбий тайёргарлик эмас, балки шахсий ривожланиш, иродавий ва руҳий тобланиш даврини ҳам ўтади. Бу тажриба менга ҳаётнинг турли синовларига тайёр туришни ўргатди. Шундан сўнг таълим ва илмий изланишларга ёндашувимда сезиларли ўзгариш кузатилди: масалаларга

“ИЛМНИНГ АВВАЛИ ИШТИЁҚ”

Андижон давлат университети Физика-математика факультети профессори, физика-математика фанлари доктори, академик Сирождидин Зайнобиддинов билан суҳбат

кўрсатган инсон — университетдаги устозим, профессор Алишер Тешабоев бўлди. У киши нафақат билимли мутахассис, балки ҳақиқий илмий ташаббускор шахс эди. Унинг сазй-ҳаракатлари билан факультетда яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси кафедраси ташкил этилди. Шу билан бирга, профессор Тешабоев халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш, нуфузли хорижий илмий марказлар ва олимлар билан алоқаларни йўлга қўйиш борасида ҳам улкан ютуқларга эришди. Унинг илмий меҳнати ва инсон сифатидаги фидойилиги мен учун ўзига хос ҳаёт мактаби вазифасини ўтади.

самарасини кўрсата бошлади. Ўша ёшлар орасидан кейинчалик юқори малакали мутахассис олимлар, жумладан, академиклар Муҳаммад Кабир Баҳодирхонов, Абдуғафур Мамадалиев ва бошқа кўплаб кўзга кўринган фан арбоблари етишиб чиқди. Улар қаторида давлат мукофоти лауреатлари, фан ва ишлаб чиқариш соҳаси раҳбарлари ҳам бор эди.

Бундай илмий изланишлар мамлакатимизда фан ва таълим соҳасида жиддий илгарилашга туртки берди. Хусусан, Ўзбекистонда йирик илм-фан марказлари ва ихтисослашган мактаблар ташкил этилди. Тошкент давлат университетидида амалга оширилган яримўтказгичли кремнийнинг компенсациялаш бўйича тадқиқотлар халқаро илмий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди.

Бу илмий ютуқлар асосида Тошкентда “Яримўтказгичларда чуқур ҳолатли киришма атомлари ҳолатлари” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ушбу анжуман ёш олимларнинг чет эллик ҳамкасблари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, фан ва таълим жараёнларига янги суръат бағишлади. Натижада кўплаб тадқиқотчилар фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларини мутаваффақиятли ҳимоя қилишди. Ўнга яқин олимлар қаторида мен ҳам Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофотига муносиб кўрилдим. Шунингдек, соҳа бўйича монографиялар, дарсликлар ва юзлаб илмий мақолаларимиз чоп этилди.

— Домла, юқорида илмий нашрлар масаласига тўхталдингиз. Сизни соҳага оид кўплаб дарслик ва қўлланмалар муаллифи сифатида ҳам яхши биламиз. “Нанотехнологиялар ва микроэлектроникадан инглизча-русча-ўзбекча лугат” ҳам тузгансиз. Бундай соҳавий лугатларни тузишнинг илм-фан ривожига аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.

— Китоблар ёзиш, айниқса, ўзбек тилидаги ўқув адабиётларини яратиш илм-фан ривожига ва фикр алмашувида бекиёс аҳамиятга эга. Айниқса, лугатлар фаннинг тил орқали оммалашиши, англашилиши ва ўзлаштирилишига хизмат қиладиган муҳим восита. Масалан, инглизча ёки русча илмий адабиётларни ўзлаштириш жараёнида кўпчилик талабалар айнан соҳавий атамаларга тушунишда қийналади.

Шу нуктаи назардан, биз тайёрлаган лугат-манбалар талабалар, муҳандислар, тадқиқотчилар, ҳатто мураббийлар учун ҳам ишончли қўлланма вазифасини ўтайди. Бу каби лугатлар орқали атамалар таржимаси, уларнинг контексти, ифода тарзи ва илмий моҳияти ҳам ўзбек тилида акс этади.

Бу фақат тил масаласи эмас, бу илмни халқга яқинлаштириш, ўзбек тилини фан тили сифатида шакллантириш, ёш авлодга мустаҳкам билим асосини бериш демакдир. Шу боис, физика ва техник фанлари йўналишида шундай лугатлар яратишга жиддий эътибор берилмоқда.

Умуман, бугунги кунда ўзбек тилида ўқув адабиётларини яратиш масаласи ўта аҳамиятли, долзарб вазифалардан биридир. Аниқ фанлар кесимида, хусусан, физика соҳасида

ҳам русча — ўзбекча, инглизча — ўзбекча лугатлар ва изоҳли атамалар тўпламларига эҳтиёж ортиб бораёттир. Бу ҳаётин заруратга айланган.

Шу боис физикаларимиз, академикларимиз бу масалага жиддий эътибор қаратмоқда. Ўз соҳаларидаги муҳим тушунча ва атамаларни она тилимизга мос равишда таржима қилиш, тизимли лугатлар яратиш орқали улар тил ривожига, фаннинг оммалашувида хизмат қилляпти. Яратилган лугатлар илмий жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан қўлиб олинди. Бугунги кунда мазкур манбалар асосида қатор дарслик, қўлланма, илмий мақолалар тайёрланди.

Айтиш жоиз, шу пайтгача ўзбек тилидаги адабиётлар билан таъминланганлик даражаси бўйича яримўтказгичлар ва қаттиқ жисмлар физикаси йўналиши республикада етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу миллий ютуқ бўлиш баробарида, халқаро эътирофнинг ҳам асосидир. Бугун ўзбекистонлик олимлар халқаро илмий тадқиқотларда фаол иштирок этмоқда, уларнинг ютуқлари турли нуфузли академик ташкилотлар томонидан тан олинаёттир.

Мен ҳам бир қатор халқаро академиялар, жумладан, АҚШнинг Фан, таълим, техника ва технология академияси, Англиянинг Умумжаҳон биографик маркази, Грузиянинг Таълим ва туризм академияси, Москвадаги Олий таълим бўйича халқаро академиянинг аъзоси сифатида фаолият юритиб келяман. Бу каби эътирофлар замирида, албатта, юртимизда илмга қаратилаётган юксак эътибор ва устозларимизнинг таълим-тарбияси ётади. Юзлаб мақолаларим дунё миқёсидаги нуфузли журналларда чоп этилганида доим мана шу юрт фарзанди эканимдан фахр туяман.

— Сиз узоқ йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Андижон-Наманган илмий маркази раҳбари сифатида фаолият юритгансиз. Мазлумки, ҳудудлардаги илмий муҳит ва салоҳият бевосита шу каби марказлар орқали шаклланади. Айтинг-чи, вилоятлардаги бундай марказлар фаолиятини янада самарали қилиш, уларнинг таъсир доирасини кенгайтириш учун кўпроқ нималарга эътибор қаратиш керак?

— 1992 йилда академик Пўлат Ҳабибуллаев ташаббуси ва раҳбарлиги остида Ўзбекистон физика жамаиятини ташкил этган эдик. Бу — физика фани ва таълими ривожига муҳим воқеа бўлди. Жамаиятнинг асосий мақсади соҳада эришилаётган илмий ютуқларни кенг тарғиб қилиш, етакчи олимларимизни оммага танитиш, шунингдек, таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар фаолиятини илмий марказлар билан интеграциялашдан иборат эди. Шунингдек, халқаро алоқаларни кучайтириш, илмий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Жамаият ўз фаолиятининг дастлабки ўн йилида айнан шу йўналишларда сезиларли ютуқларга эришди.

Адашмасам, бундан чорак аср

олдин профессор ҳаммаслақларим Мўйдинжон Мўминов ва Рустамжон Расулов билан Фарғона водийсидаги долзарб муаммоларга олимларнинг эътиборини қаратиш масаласида ўзаро кенгашидик. Кейинчалик Фанлар академиясининг Андижон, Наманган ва Фарғона филиаллари ташкил этилишига туртки бўлган ўша суҳбатларимиз, сазй-ҳаракатларимиз хайрли натижаларга асос бўлди. Бу марказларда ҳудудларда юзага келган масалалар, жумладан, энергия танқислиги, тут парвонаси, қишлоқ ҳўжалигига зарар етказувчи ҳашарот ва каламушларга қарши кураш каби кўплаб муаммолар илмий асосда ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мазкур филиалларда фақатгина илмий тадқиқот билан чекланиб қолмасдан, бир неча бор илмий-амалий анжуманлар ўтказилди, иқтидорли талабалар ва ёш изланувчилар йирик марказларга, таниқли олимлар кўлида ўқиш ва стажировка учун юборилди. Бу ишлар ҳудудда илмий муҳитни шакллантиришга хизмат қилди.

Шу жиҳатдан қаралса, ҳудудларда бундай илмий марказларнинг бўлиши, бўлганда ҳам пойтахт даражасида зарур техник воситалар билан таъминланиши ниҳоятда муҳим, деб ўйлайман.

Айни пайтда вилоятлардаги филиаллар фаолиятини тубдан кучайтириш, уларга замонавий лабораториялар ва ускуналар ажратиш ҳамда марказда фаолият юритаётган малакали олим ва мутахассисларни ротацция асосида ўша масканларга юбориш амалиётини такомиллаштириш керак.

— Илмий фаолиятингиз жаҳон миқёсида эътироф этилган. Шогирдларингиз орасида ҳам изингиздан бориб, халқаро ютуқларга эришганлари бор, албатта. Улар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳа, улар жуда кўп. Ҳар бирининг ўз ўрни, ўз ютуғи бор. Шунинг учун фақат бир-иккисини эслаб, қолганларининг исмини келтириб ўтмасам, ўйлайманки, мендан ранжишмайди. Муҳими, фахр билан айта оламаники, ҳар бир шогирдим юксак натижаларга эришиб, фан ва жамаият ривожига беминнат ҳисса қўшиб келмоқда.

Улар орасида физика-математика фанлари докторлари, профессорлар етишиб чиққан. Шулардан бири — Одилжон Маматкаримов. У нафақат йирик олим, балки Ўзбекистон Миллий университети ва Наманган технология университетида узоқ йиллар раҳбарлик қилган, ҳозир Олий Мажлис Сенатида фаолият юритмоқда. Шунингдек, Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти директори, профессор Шарифа Ўтамуродова, Москва энергетика институтининг Тошкент филиали раҳбари, профессор Ҳожиакбар Далиев ҳам етук шогирдларимдан.

Ёш, салоҳиятли олимларимиздан Иброҳимжон Каримов, Шаҳриёр Йўлчиев, Нозимжон Тургунов, Акрамжон Бобоев каби фан докторлари таълим соҳасида сидқидилдан хизмат қўлиб келяпти. Шунингдек, Жаҳонгир Ўсмонов, Ушурой Маҳмудов, Ҳотамжон



Мансуров, Хуршиджон Мадаминов, Нуриддин Юнусалиев, Билолиддин Эргашев, Бахтиёр Гуломов ҳам янги ихтиро ва инновацион лойиҳалар устида самарали ишламоқда.

Мен ишонаман, уларнинг ҳар бири фанимизнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттириб, яримўтказгичлар физикасининг сир-асрорларини янада чуқур ўрганади ва келажакда янада салмоқли натижаларга эришади.

Албатта, бу соҳа осон эмас. Яримўтказгичлар физикаси соҳаси билан шуғулланиш юқори технологик ускуналар, аниқ тажрибалар, кенг назарий билим ва малакани талаб этади. Бундай шaroитлар пойтахтимиздаги йирик илмий марказларда mavjud.

Яхши томони шундаки, сўнгги йилларда юртимизда ҳам бу борада сезиларли қадамлар ташланди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорларига биноан вилоятлардаги университетларга замонавий лаборатория ускуналари харид қилинди. Андижон давлат университетининг физика факультети ҳам бу жараёндан четда қолмади. Бугунги кунда бизнинг лабораториямизда атомкуч микроскопи, рентгенструктуравий спектрометр, металлооксид модда олиш курилмалари ва замонавий компьютерлар mavjud. Улар орқали давлат буюртмалари асосида бир неча лойиҳалар устида тадқиқот олиб боряпмиз.

— Пойтахтдан йироқда яшаб, илм билан шуғулланишнинг ўзига яраша заҳмат бўлса керак?

— Тўғри, яқин вақтларгача имконият ва шароит борасида Марказ ҳамиша олдинда бўлган. Бироқ бугун ҳудудларда ҳам пойтахтимиздагидан кам бўлмаган даражада шароитлар ҳозирланганки, буларни кўриб амалга оширилаётган ишлар учун таҳсин айтишнинг келади. Шукр, вилоят илмий марказларида ҳам тадқиқот ишлари самарали давом этаёттир. Саволингизга жавобан бир ҳаётин ҳақиқатни айтай: аслида имконият ва шароитнинг чеклангани олимни янада кучли қилади. Шу маънода, пойтахтдан узоқда яшаб, илм қилишнинг ўзига яраша машаққати билан бирга завқли, шарафли томонлари ҳам бор. Илм — фидойилик дегани. Илмнинг аввали — иштиёқ. Фанини ўрганиш учун шароитдан кўра кўпроқ шуниси зарур. Негаки, қизиқиш ва иштиёқ фидойиликка айланмагунча сиз тўла маънода илм одами бўлолмайсиз. Мен ёшлар билан суҳбатлашганимда уларда ана шу иштиёқнинг бор ёки йўқлигига қизиқаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз ёшларига қарата, илм-фанга бўлган иштиёқни асло сўндирманг, демокчиман. Чунки юрт равнақи илмга қанчалик боглиқ бўлса, фан ривожини ҳам олимларнинг иқтидори иштиёқига шунчалар боглиқ.

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ суҳбатлашди.



янада пухта, мақсадли ва масъулият билан ёндаша бошладим.

Университетдаги ўқув режага кўра, талабалар иккинчи курсдан сўнг ихтисосликлар бўйича йўналтирилди. Ўша йилларда дунё бўйлаб яримўтказгич технологиялари, микроэлектроника ва нанофизика соҳалари жадал ривожланиб бораётган эди. Бу глобал жараёнлар мамлакатимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, албатта. Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида яримўтказгичлар физикаси ва техникаси бўйича илмий фаолият кенг йўлга қўйилиб, янги технологиялар ишлаб чиқаришга татбиқ этила бошлаган, илмий-таълимий инфратузилма ривожланаётган давр эди.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган электрон техника йўналишидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида кўплаб етук олимлар, муҳандис-мутахассислар меҳнат қиларди. Ана шундай илмий муҳитда кўплаб ёшлар қатори мен ҳам ушбу соҳага қизиқиб қолдим ва келгусидаги илмий изланишларимни яримўтказгичлар физикасига бағишлашга қарор қилдим.

Бу йўлда менга жиддий таъсир



“Илм дунёнинг иззати, охираатнинг шарофатидур. Илм инсон учун гоят олий ва муқаддас бир фазилатдур.”
Абдулла АВЛОНИЙ

КЕЛАЖАК ОВОЗИ

“ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА ВАЪДА БЕРГАНМАН!”

Абдуллох ЖАМОЛИДДИНОВ, ёш ихтирочи:

— Бу йил Ёшлар куниди Президентимиз бир гуруҳ иқтидорли ва ихтирочи ёшлар билан учрашди. Унда мен ҳам “Ақлли томорқа” лойиҳаси билан иштирок этдим. Лойиҳам экин майдонининг тупроқ намлигини ўлчаб, автоматик тарзда суғориб беришга ихтисослаштирилган. Натижада, бир томчи ҳам ортиқча сув исроф бўлмайди. Бутун дунёда кўроқчилик хавфи йилдан-йилга ошиб бораётган бир пайтда сувни тежашга кичик ҳиссамни қўшишни истайдим.

Юртбошимиз лойиҳамни ижобий

баҳолади. Ишимни эътироф этиб, шу зайдда давом этишимни таъкидладди. Мен ҳам Президентимизга янги-янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳақида ваъда бердим. Ҳозир шу ваъдамнинг устидан чиқиш ҳаракатидаман.

Бундан аввал “Фойдали ихтиролар” лойиҳасида қатнашиб, совриндор бўлганман. Болалигимдан электроникага қизиқаман. Ўйинчоқларнинг ичини очиб, уларнинг қандай ишлашини ўрганаддим. Ўзим ҳам турли қисмлардан янги ўйинчоқлар ясашга ҳаракат қилардим. Отанам, устозларим, Ёшлар ишлари агентлиги вакиллари ёрдами билан

билимимни ошириб, лойиҳаларимни такомиллаштириб боряпман.

Робототехника ва дастурчиликни тенг олиб кетишга ҳаракат қиларман. Иккаласи ўзаро чамбарчас боглиқ.

Тўғриси, ногиронлар аравачасида юрганим учун кўпчиликка қўшилишни истамасдим. Эртаю кеч уйда қамалиб ўтирардим. Телефон, интернет тармоқлари асосий эрмагим эди. Кейин ўзимга ўхшаган тенгдошларимнинг катта-катта ишларга қўл ураётганини кўриб, кузатиб ҳавасим келди. Шундай қилиб, қизиқишим бўйича олти ойлик ўқув курсларига қатнаб бошладим. Натижаси, кўриб

турганингиздек, ёмон эмас.

Жўл Вернинг “Ўн беш ёшли капитан” романи бор. Асар қаҳрамони бўлмиш ўсмир тенгдошим катта кемани бошқариб, экипажни қароқчилар чангалидан соғ-омон олиб чиқиб кетади. Мен ҳам ўн беш ёшдан ўтиб, ўн олтига қадам қўймоқдаман. Гарчи кема капитани бўла олмасам ҳам, ихтиролар денгизига шўнғиб, энг сара дурларни термоқчиман.

Келажакда ўқув маркази очиб, унда робототехника, IT ва бошқа йўналишларни ука-сингилларимга ўргатмоқчиман.

Аббосбек ШОЙИМОВ ёзиб олди.





Бошланиши 1-саҳифада.

Аслида, камтарин ижодим намунаси бўлган “Ўзбек келаётир...” балладаси бир пайтлар “Ўзбек иши”ни уюштирганларга жавоб ўлароқ ёзилган. Шеър улуг ўзбек тарихининг тараннуми билан бошлан-са-да, кейинги даврда Янги Ўзбекистон зафарларининг илҳомбахш куч-қудрати тасвири билан бандма-банд кўпайиб, кенгайиб борган. Сизу бизга яхши таниш бўлган “Ватан” журналида мазкур баллада-нинг ихчамроқ варианты акс этган, холос. Асарнинг нисбатан тўлиқ нусхаси яқинда ўзбек тилида нашр этилган китобимга киритилган. Мен “Ватан” журналининг ижодий жамоасидан миннатдорман, айнан шу журнал орқали “Ўзбек келаётир...” адабий давраларда кенг тарқалди.

Эсимда бор, журнал муқовасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг сурати, шунингдек, менинг шеъримдан парча берилганини кўриб, ўзимда йўқ севиниб кетганман. Кейинроқ Олий Мажлис Сена-ти аъзоси, журнал бош муҳаррири Ҳусан Эрматов билан учрашдим. Ўзаро суҳбат чоғида “Менинг Президентим” ва “Миллат-парвар” асарларини озарбайжон тилига ўгириш фикри туғилди. Айнан ўша лаҳ-за “Шавкат Мирзиёев феномени” китоби дунёга келиши учун асос бўлди.

Ўзим Озарбайжонда туғилиб-ўсганим, ҳозир унда яшаётганимга қарамай, ҳаё-тимнинг катта қисми, хусусан, айнаи кучга



ижодкорлар изидан боришга интилган ёш-ларни бир жойда жамлаш, уларни нафис сўз санъатига ошно этиш, мутафаккир бо-болар қолдирган бой илмий меросни ўрга-тиш, замонавий таълимнинг илғор ютуқ-ларидан баҳраманд этишга қаратилган хайрли ишларнинг амалдаги исботи ҳам ана шу таълим масканлариридир.

Бундан ташқари, Ёзувчилар уюшма-сининг муҳташам янги биноси, унинг

ҳақиқатни айтган бўлаимиз.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Озар-байжон адабий, маърифий, сиёсий дўст-лиги кечагина бошланиб қолган ҳодиса эмас, унинг илдизлари чуқур. Бу алоқалар асрлар давомида шаклланиб, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий асарлари ҳам-да икки халқнинг фузулийхонлик, маш-рабхонлик кечалари билан янада мустаҳ-камланган. Бу орада Бокуда ўзбек санъати

ЎЗБЕК КЕЛАЁТИР...

тўлган йигитлик йилларим қадрдон ўзбек диёрида ўтган. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистонга алоқадор янгиликларни диққат билан кузатиб бораман. Айниқса, сўнгги йилларда Республикада юз бе-раётган ижобий ўзгаришларни бутун дунё эътироф этмоқда. Ниятим — Озарбайжон халқини ўзбек адабиёти билан яқиндан та-ништириш баробарида шу юртнинг муҳим сиёсий ютуқларини таъкидлаш, тарғиб қи-лиш. Юқорида номлари келтирилган асар-лар айнаи янгиликларни худди кўзгудек акс эттиради. “Менинг Президентим”ни бир неча марта ўқиб, ҳар гал ҳаёлга чўмардим. Мутолаадан таъсирланган ҳолда, китобни филология фанлари доктори, профессор Яшар Қосимга юбордим. У киши ҳам Ўз-бекистонда яшаган. Ҳар гал кўришганда шу жаннатмонанд заминда кечган ёшли-гимиз, устозларимиз ва дўстларимизни эслаймиз. Янги Ўзбекистоннинг ютуқлари-дан қувонамиз.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, 2024 йилнинг 12 ноябрида кўнғироқ қилишиб: “Тайёр бўлиб туриң, Ўзбекистон Президенти, муҳтарам Шавкат Мирзиёев эртага соат 10:00 да Боку шаҳрида ўзига ажратилган қароргоҳда сизни қабул қилади”, дейишди. Хушxabардан бошим осмонга етди. Бир сўз билан айтганда, ўша ҳажжонли воқеа ҳаётимнинг энг унутилмас ҳодисасига ай-ланиб қолди. Бироқ шу қабулнинг тафси-лотларини ёки ўша учрашувдан олинган барча таассуротларни бир суҳбатга ёхуд бир эсдаликка асло сифдирга бўлмайдди. Бу ҳақда кейинроқ батафсил ёзиш ниятим бор.

Озарбайжонда кўлига қалам олган тенг-тўшларим бўладими ёки ёш ижодкорлар бўладими, йиғилиб қолсак, суҳбат ўз-ўзи-дан Янги Ўзбекистонда охириги йиллар-да амалга оширилган эзгу ишлар ҳақида боради. Улар орасида ижод мактаблари-нинг очилгани алоҳида, айтиб, адо қилиб бўлмас мавзу ҳисобланади. Бир пайтла-ри ўзим ёнида юрган, озми-кўпми, ижо-дий мактабидан баҳра олган улуг адиб-лар номига мактаб очилишини эшитиб, тўлқинланиб кетганман. Нафақат ўзбек, балки бутун туркий адабиёт учун сеvimли бўлган Оғаҳий, Исыҳоқхон Ибрат, Абдул-ла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби

атрофида бунёд этилган Адиблар хиёбони, унда туркий адабиётнинг йирик намоянда-лари сиймосида қад ростлаган ҳайкаллар, Дўрмон ижод боғининг қайта таъмирлани-ши, қалам аҳлининг эркин ва қулай ижод қилиши, ўз навбатида мароқли ҳордиқ чиқариши учун Заркент ижод уйининг ку-рилиши, Зомин санаториясидан ижодкор-ларга қўшимча ўринлар ажратилиши, ҳар йилги анъанавий тарзда ёш ижодкорлар-ни қўллаб-қувватлаш мақсадида Зомин семинарининг ташкил этилиши каби ҳавас қилса арзийдиган ишлар, очигини айтиш керак, унча-мунча давлатда йўқ.

Ўзбек халқининг маорифи, адабиёти, санъати, келажак авлоднинг эркин ва хур-фикрли бўлиши, озод яшаши, ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун курашган жадид болболарга ҳурмат ва эҳтиромни айтмай-сизми! Улар ҳақида фильмлар ишлаш, ҳайкаллар ўрнатиш, мактаблар очиш, грантлар ажратиш, бебаҳо асарларини қайта-қайта чоп этиш ишлари кундан-кунга жадал тус олиб борапти. Бу эса, Ўзбекис-тонда ўттиз йил яшаган, қардошлар ҳаёти-ни ўзгача иштиёқ билан мунтазам кузатиб борадиган каминани қувонтирди, албатта.

Ўрни келганда айтиш керакки, Тоғли Қо-рабоннинг тикланишига биринчи совға Ўз-бекистон томонидан берилган. Муҳтарам Шавкат Мирзиёев 2021 йилнинг апрелида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенга-шининг видеоконференция шаклида ўтказилган норасмий саммитида Ўзбекистон узоқ йиллар давом этган қамалдан озод этилган тупроқларимизда кўҳна обидалар, маданият ва маърифат масканларини тиклаш ишларига ҳисса қўшишга тайёр-лигини билдирганди. 2023 йилнинг авгу-стида Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга ташрифининг иккинчи кунига икки давлат раҳбарлари Фузулий шаҳрига ташриф буюриб, ўзбек халқининг буюк фарзанди Мирзо Улуғбек номини олган 960 ўринли мактабнинг тантанали очилиш маросими-да иштирок этганди. Бу хабарни ўқиган ёки эшитган кишида савол туғилиши табиий: Ўзбекистон ҳукумати қардош ўлкага ёрдам беришни нега мактаб қуришдан бошлади? Чунки ўзбек халқи азалдан илму маъри-фатни, адабиёт ва санъатни қадрлаб кел-ган. Фузулийда очилган мактаб ҳам ушбу эзгу анъананининг давоми десак, айнаи

ва маданияти, Тошкентда Озарбайжон кино ва адабиёти кунлари ўтказилгани ҳам алоҳида эътиборга молик ҳодиса. Жуда яхши эслайман, 2018 йил 14 декабрь кунги Тошкентда, 21 декабр кунги эса Бокуда ўз-бек драматургиясининг забардаст вакили, таржимон, устоз, Озарбайжоннинг маш-хўр фарзанди Мақсуд Шайхзода тавал-лудининг 110 йиллиги муносабати билан илмий анжуман, шунингдек, Озарбайжон Маданият Маркази лойиҳаси билан тайёр-ланган, Мақсуд Шайхзодага бағишланган “Икки халқ ифтихори” номли ҳужжатли фильм, “Ўзбек шеърлати гулчамбари” кит-оби тақдими бўлиб ўтганди. Ундан кўп ўтмай, Ҳайдар Алиев номидаги Озарбай-жон Маданият Маркази лойиҳаси билан Ўзбекистонда икки халқ ўртасидаги ма-даний-адабий алоқаларга бағишланган “Азалий дўстлик ришталари” ҳужжатли фильми тақдим этилганди. Хуллас, ана шу эзгу анъанани давом эттириш, икки халқ маданий алоқаларини мустаҳкамлаш учун камтарин ижодим билан кўприк бўлишни муқаддас бурчим деб биламан ва сўзимни Ўзбекистон Республикаси Президенти қа-булида фахр ила ўқиган шеъримдан парча келтириш билан аяқунлайман:

**Асрий орзуларнинг авжига етган,
Наҳанглар диққатин ўзга қаратган,
Не бахтки, жаҳоннинг
бош минбаридан
Нутқини жонажон тилда янграган
Ўзбек келаётир тарих қаъридан!**

**Шавкати тиклаб буюк Туроннинг,
Авлодлар комида мужассам жоннинг,
Ўз давлати билан порлаб сафидан
Туркистон, Туркия, Озарбайжоннинг,
Ўзбек келаётир тарих қаъридан!**

**Йўл бўшат, дилларда музлаган армон,
Йўл бўшат, менсима!
Янги мингйилликнинг тонготаридан
Йўл бўшат, замона,
йўл бўшат, жаҳон!–
Ўзбек келаётир тарих қаъридан!!!**

**Акиф АЗАЛП,
шоир,
адабиётшунос**

ҲАЁТ ЙЎЛИ – ҚУВВАТ МАНБАИ

Бошланиши 1-саҳифада.

– Умуртқаларо диск чурраси бемор ўзи-ни ўзи даволаса ҳам бўладиган касаллик, – дейди Республика ногиронларни реабилитация қилиш маркази бўлим мудир, олий тоифали травматолог-ортопед Дилмурод Рўзиев. – Унинг кенг тарқалган дейилиши-га сабаб, беморларнинг кўпайиб кетаётгани-дан эмас, балки диагностиканинг янада тако-миллашгани сабаб касаллиқни эрта аниқлаш имконияти пайдо бўлаётганидир. Бунинг учун республикамизга замонавий аппаратлар келтирилмоқда. Илгари ташхис қўйиш учун қўшимча рентген текшируви ўтказилган. Унда орқа мия каналига контраст модда жўнатил-ган, лекин жараён мураккаб кечгани учун бу усул кам қўлланилган, аниқ диагноз қўйиш ҳам қийин бўлган. Эндиликда ҳар битта ҳудудда МРТ аппарати мутахассислар ишини энгил-лаштириб, касаллиқни эрта аниқлаш имко-нини беряпти. Қувонарлиси, беморни мумкин қадар жарроҳлик столигача олиб бормаслик чоралари қўрилмоқда.

Умуртқаларо диск чурраси касаллигининг “ёшаришига” келсак, асосан жисмоний фаол-лик сустлигидан келиб чиқаяпти. Ёшлар столда тўғри ўтириш, танани монитор қаршисида қай ҳолатда тутиш ҳақидаги оддий тавсияларни ҳам билмайди. Соатлаб компьютер, ноутбук, телефон билан машғул бўлади. Бир жойда қадалиб ўтириш тана оғирлигининг умуртқага мунтазам тушишига олиб келади ва касаллик ривожланишига шароит яратади.

Беморларнинг ўртача 3-10 фоизига жарроҳ-лик амалиёти ўтказишга тавсия берилмоқда. Бел соҳасидаги умуртқаларо диск чурраси 7 миллиметр катталиқни берганида, бўйин со-ҳасида 4 миллиметрга етганда операцияга йў-налтирилади. Шунда ҳам бу нисбий ҳисобла-ниб, орқа мия каналининг кенглик даражасига қаралади. Чунки ҳар бир одамнинг анатомик тузилиши ўзига хос.

Жарроҳлик амалиётидан қўрқиб, вақтни ўтказиб юбориш керак эмас. Замонавий тиб-биётда даволашнинг тез ва осон усуллари



жорий этилмоқда. Бугун ҳар қандай катталиқ-даги умуртқаларо диск чуррасини 3 милли-метрли қисқичлар ёрдамида минимал инвазив усул билан умуртқа поғонасининг бутунлиги ва мустаҳкамлигига зиён етказмай, юмшоқ тўқима (мушак, нерв, фация, пай)ларни зарарламаган ҳолда олиб ташлаш мумкин. Бемор териси ати-ги 8 миллиметр кесилади. Жараён 25 мартага-ча катталаштириб кўрсатуви камералар би-лан назорат қилинади ва бу операциянинг ўта аниқлик билан бажарилишини таъминлайди.

Тиб тарихидаги илк амалиётларда умуртқа поғонасининг баъзи қисмлари тўлиқ олиб таш-ланган. Бемор қоринни ерга берган ҳолда уч ойлаб ётқизиб қўйилган. Кейин ҳам у юришга қийналгани учун қорсетдан доимий фойдалан-ган. Аммо бу усуллар ортда қолди.

– Ўзбекистонга Япония гранти асосида олиб келинган замонавий эндоскоп аппарат асосида умуртқа диски чуррасини тешиб олиш операцияси 2010 йилда илк бор бизнинг мар-казда амалга оширилган, – дейди Дилмурод Рўзиев. – Ҳозир ҳар бир вилоятда бундай аппарат бор. Бундай операциялар сони очик жарроҳлик йўли билан қилинадиган ама-лиётлардан 2-3 бараварга кўпайди. Шунинг-дек, асаб илдизларига яқин жойдаги кичкина ҳажмли остеохондрозли умуртқа чурралари-ни майда миналар билан лазерда куйдириб, унинг эластиклигини ошириш имконияти ҳам яратилган. Фақат бу усул остеохондрознинг дастлабки босқичларида, яъни пулпоз ядро ҳали оқиб чиқмаган вазиятларда амалга оши-рилади.

Афсуски, халқимиз характеридан келиб чиқсак, беморлар бошлангич оғриқларни эъти-борсиз қолдиради, сохта табибларга мурожаат қилади, ўзбошимчалик билан дори-дармон кўллайди. Касаллик ривожланиб кетганидан



кейингина шифокорга мурожаат қилади. Агар мана шу операция тури оммалашса эди, биз касаллиқни биринчи босқичидаёқ бартараф этишга эришар эдик.

Очиб қилинадиган операциялар натижаси-да узоқ ётиб қолган беморларнинг меҳнатга лаёқати пасайиб, потенциал ногиронлар ҳи-собига кирар эди. Эндоскоп операцияларнинг яна бир афзаллиқ тарафи улар ногиронлик даражасига бормай тузалиб, иш жараёнига қайтишмоқда. Беморга операциядан сўнг шу куннинг ўзидаёқ ҳаракатланишга рухсат бери-лади.

Беморларнинг кўр-кўрона ҳар хил табиб-ларга бориб, улар тавсия қилаётган оёқдан осииш, умуртқага зарб билан уриш ва чўзиш каби муолажаларга розилик бериши илмсиз-лик маҳсулидир. Бу жудаям хавфли бўлиб, одам бир умрга ногирон бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Аслида юқоридаги муолажалар даволаш тажрибасида аввалдан бор. Фақат жараён замонавий тиббиёт масканларида махсус трактор – умуртқани электрон тор-тиш аппаратлари ёрдамида бажарилиши

керак. Шифокор назоратидаги бу каби тортиш жараёнида спазм бўлиб қотиб қолган пай ва мушакларни юмшатиб беради, мушаклар бир тортиб, бир жойига қайтарилиб тонусни очиб беради.

Чурранинг олиб ташланиши остеохондроз касаллигини даволамаслигини эслатиб ўтиш жоиз. Унинг сыхатини яхшилаш эса беморнинг ўзига боғлиқ.

Дилмурод Рўзиев берган маълумотга кўра, Республика ногиронларни реабилитация қилиш марказида йилга икки мингга яқин бемор умуртқа диски чурраси хастали-гидан шифо топади. Шулардан 45 фоизда жарроҳлик амалиёти ўтказилади. 500 наф-ридан ошигига консерватив муолажа қилина-ди.

Бу ютуқларнинг ортида Давлат раҳбарининг соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш, тизимни рақамлаштиришга қаратилган исло-ҳотлари турибди. Ўзгаришлар шифокорлар ишини энгиллаштира, беморларнинг ишончи ортишига сабаб бўлмоқда. Йил якунига қадар барча ҳудудларнинг рақамли тиббиётга ўтиши режалаштирилган. Бу умуртқа диск чурраси билан оғриган беморларни ҳам тиббий назо-ратга олиш имкониятларини янада кенгайти-ради.

Шифокорлар бир ҳақиқатни такрорлашдан асло чарчамайди: касаллиқни даволагандан кўра олдини олган афзал. Тананинг бир соат-лик ёки бир кунлик безовталиги асорати одам-да ҳафталаб, ойлаб кетмаслиги мумкин. Шу-нинг учун соғлом юрган чоғларда ҳам тиббий кўриқдан ўтишни қанда қилмаслик, шифокор-лар кўрсатмасига бепарво қараслик керак. Зеро, ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади.

Муҳайё РУСТАМОВА



Паркент туманидаги “Заркент” ижод уйи.



БАЛЛАДА

ҚУЁШ ФАРЗАНДИ



Ўткир РАҲМАТ

1
Қатим нур қатида ажиб ёруғлик,
Йўлма-йўл улашиб борар зиёни.
Тақдири азали Қуёшга боғлиқ,
Эзгулик томонга бошлар дунёни...

Ёришиб жилोलар этади мафтун,
Қатрада акс этар унинг борлиги.
Тонг отиб, бошланган сеҳрли бу кун
Кўрсатар бўй-бастин, улуғворлигин.

Нурафшон юзидан ёғади меҳр,
Қадами етган жой турар уйқудан.
Дилларга ойдинлик бахш этиб ахир,
Баҳраманд айлайди ажиб туйғудан.

Ниш урган майсалар баҳордан дарак,
Новдалар кўксидан куртаклар – маржон.
Ҳаприқиб кўз ташлар атрофга юрак,
Булутни паналаб боқади осмон...

Ястанган кенгликлар қўйнида ҳовур,
Талпиниб турибди сирли куч-қудрат.
Бу макон бағрига қўл узатиб нур,
Ёруғ уфқ томонга бағишлар шиддат...

Эгатда саф тортган гўзалар – уйғоқ,
Бошоқлар кўтарган ғаллазор – мағрур.
Саратон нафаси лаб босар қайноқ,
Жилғада оққан сув – дуру жавоҳир.

Бу нурнинг шаштидан
дала-дашт кўркам,
Умидвор ниятлар топади таскин.
Баҳмалдай тўшалган қирларда кўклам,
Беғубор шабада атрофда эсан.

Фарахбахш дамларни унутмайман ҳеч,
Дилда сатрларга бағишлайман жон.
Юрагим баҳорий орзуларга эш,
Боққа йўл оламан бахтли, шодумон...

2
...Боғда кезарканман
соғиниб яна,
Қувнайман офтобнинг юзига боқиб.
Борлиқ яшнаб турган латиф лаҳзада
Хаёлим учади кенг қанот ёзиб.

Ана нур! Изидан қолмайди елиб,
Мозийга туттади сокингина юз.
Шамолу бўронга ногоҳ дуч келиб,
Аъзои бадани титрайди шу кез.

Не-не баҳодирга тарихдир гувоҳ,
Ўт қўйиб ёвларнинг жисму жонига.
Ватанга жон фидо айлади Широқ,
Нурлар аксланди тўккан қонида.

Чингизхон дилига солиб минг кутку,
Келар эди ёвкур, бўлмай юз хотир.
Душманни лол этган Жалолиддин у,
Жасорат нурига йўғрилган ботир.

Этагидан ушлаб асрий сурурнинг
Дунё забт этса-да қилиб хангу манг.
Шиори шу эди буюк Темурнинг:
"Нурга тўлсин ҳар уй, миллату Ватан!"

Илму фан боғларин яшнатиб дилдан,
Бахш этди оламга сирли дунёлар.
Куч олгай умрбод осмон илмидан,
Ўчмагай Улуғбек ёққан зиёлар.

Эзгулик йўлидан мудом куч олган,
Меҳру муҳаббатга тўлиғидир у.
Эл қалбига сўздан ёруғлик солган,
Навоий – нурларнинг улуғдир у.

...На йўл кўринади,
на борар манзил,
Бегона овозлар бунда ҳукмрон.
Нурнинг елкасида юки зил-замбил,
Ўзликни топмоққа излайди имкон.

Йилларни оралаб қийналди тақдир,
Қарамлик дардидан сарсон бўлди у.
Кўргилик дастидан эзлибди охир,
Уфққа интилган карвон бўлди у.

Азоб-укубатлар дуч келди қанча,
Қовоғин очмади ҳаттоки замон.
Истаган кунларни интиқ кутганча
Муродга етмоқлик бўлмади осон!

Аммо имкони йўқ!
Зимистон – маккор,
Чолоғон умри ҳам кезди бемурод.
Тўрт томон бош урди, бариси бекор,
Ич-ичдан оҳ чекди, айлади фарёд.

Гўёки умид ҳам сўнганди буткул,
Барини тақдирга йўйиб бўлганди.
Қоронғу пардасин йиртган нима ул?
Армонлар куксини тигдай тилганди...

Токи нур бор зулмат кетади титраб,
Ёришган атроф ҳам тушар жунбишга.
Қудратли кучига ҳайратла қараб
Бу олам талпинган фақат қуёшга!

Қатра нур сингари яралган қисмат,
Йилларнинг қаъридан
... чикди бирма-бир,
Бошига ёғаркан қор-ёмғир фақат,
Заҳмату зуғмлар чекди кўп оғир.

Беҳбудий, Чўлпону Усмон Носирдай
Нурларни барибир сўндиролмади.
Уларки барҳаёт Аму ва Сирдай,
Оққан дарёлардек оқмай қолмади...

3
Нурдан яралганки нурга интилар,
Мақсаду муроди ёруғлик абад.
У етган масканлар хушбахт, шан бўлар,
Эгилган қоматлар кўтаргайдир қад.

Оловли йиллардан сақлаб чиқди жон,
Кўксиди авайлаб эзгу орзуни.
Не қилсин, йўл бермас эди у замон,
Кимга ҳам айтарди юрак арзини?!

Аммо шижоати сусаймади ҳеч,
Рўшнолик азмидан қайтмас эди у.
Ҳатто ухлолмасди уйқуда ҳам тинч,
Кўкрак кериб бир сўз айтмас эди у.

Регистон бағрида минорлар гувоҳ –
Нурларнинг овози ёруғлик эди.
Унинг вужудини сиғдирилмас чоҳ –
Борлиги аслида улуғлик эди.

Кўкон ҳам кўз ёш-ла чекди кўп озор,
Тошкент кўчалари қийноққа шоҳид.
Инсоннинг толеи бўлган эди хор,
Нурлар ҳам ҳеч қачон бўлмади шаҳид.

Зомину Баҳмалнинг тупроғи узра,
Ярақлаб ўзлигин кўтарган нурлар.
Ҳақнинг марҳаматин хору зор излаб,
Олпоқ ёруғликка айланган хурлар.

Бухоро бошига тушган савдолар,
Босқинчи дастидан ҳамон ўчмаган.
Хивани қийнаган қанча ғавғолар,
Оғриғи ҳали ҳам қалбдан кўчмаган...

4
Кўринмас кишанни ечмоқ осонмас,
Қарамлик неларга қилмади дучор.
Озодлик ўзича келган ҳам эмас,
Бу йўлда эл, ахир, кўп чекди озор...

Мутелик азобин юклари оғир,
Ўзингнинг нонингни олсанг бировдан.
Зуғмдан қийналиб дард чеккан бағир,
Қон йиғлаб чиқарди сўров, бировдан...

Нурларки зулматга бераверди дош,
Ғаним деб тухматдан уни отдилар.
Юракмас кўксиди тутгандари тош,
Порлаган нурларни бир-бир сотдилар...

Ўзингдан сотқиннинг чиққани ёмон,
Остонанг остида ётган чаёндир.
Унинг қўлидадир тортилган камон,
Ўқидан ёруғ қалб титраган жондир...

Йилларнинг қаъридан сўнмай ўтди нур,
Шамолу довуллар енголмади ҳеч.
Зулматни оралаб то тонга довур,
Ўзига бир олам топа олди куч...

Бу олам халқ эди...
Эзилган, сўнган,
Илиги қақшаган, таланган бори.
Аммо у нурланди яна янгидан,
Йўқолди қалбидан азоб губори.

Уқубат оғриғи топаркан завол,
Юракларга тўлди эрқиниғ сурури.
Халқ кўнглин ёритди унда, эҳтимол,
Йўлчи юлдузининг муқаддас нури...

5
Истиқлол!
Нурлардан яралган олам,
Ёруғлик бошланар остонасидан.
Ўтмишда қолгандек энди дарду ғам,
Ўзга нафас келар қошонасидан...

Нур бор экан ахир ҳаёт бардавом,
У борган ҳар манзил доим ёришгай.
Дунга тухфа этган ҳар неъмат, инъом,
Инсонлар умрига умрлар қўшгай...

Чарақлади қуёш!
Чароғон олам,
Кенгликлар бағрида нури таралган.
Унинг каби гўё дунёда бекам,
Нур мисол фидойи Инсон яралган...

Тонг ила уйғонар Қуёш фарзанди,
Тошади бағридан бир олам меҳр.
У ахир меҳрибон, жасур ва танти,
Дилида тугамас муҳаббат, сеҳр.

Ниятдан тафт бериб ўз юрагига,
Бораркан аждоқлар босган изидан,
Дейди ғурур ила, чин шараф ила:
“Сўнмас зиёларнинг давомчисиман!”

Ўзидан уялиб, этмай таманно
Бир четда жим қолар

манфур боқишлар.
Бу сахий зиёга бўлсин тасанно,
Олқишлар, фидойи нурга олқишлар!

Кезиб тинчимайди бу замин аро,
Ҳатто унғурлар ҳам четда қолмайди.
Унинг эзгулиги еру кўк аро,
Ёруғлик таратиб сира толмайди.

Нурдан эркаланиб шивирлар боғлар,
Гиёҳлар дам сайин бўйин чўзади.
Лаҳзалар қўйнида ўзгача тоғлар,
Бошида оққушдек булут сузади...

Кўнгли кўтаради ўзини азот,
Шодлиги чексиздир, йўқ унга қиёс.
Жафокаш эди у, ўзгарди ҳаёт,
Ўзликнинг қадри ҳам озод юртга хос.

Ёруғлик юз очган кулбаларида
Гулу райхонлари атри билан маст.
Бағрига талпинган шабадаларда
Бир олам ҳаловат яшайди бесас...

Саҳардан бедорлик, шижоат, журъат,
Қолар пок ниятлар бағрида мангу.
Шаштида сабот бор, сабру матонат,
Нур каби бетакрор яралган жон у!

Зулматга чорласа аллакимсалар,
Эзгулик йўлига бахшида бу нур.
Кимлардир тинчликни менсимасалар,
Ёруғлик томонга у бошлаб борур...

Умрини бағишлаб миллатга, шонга,
Беллашар замонда шитоб билан у.
Ҳар кўнгли, ҳар ўлка, ҳар хонадонга
Боради илми нур – китоб билан у.

У миллат дилбанди!
Боққил замондош,
Унга талпинади яқину йироқ.
Бор бўлсин шундай

нур бахш этган Қуёш,
Қадами қутлуғдир, тилаги порлоқ!

Истиқбол қуёши қулсин мулойим,
Умидлар кучоғи гулистон бўлсин.
То сахий нур каби бор бўл илоҳим,
Сенга шараф бўлсин,

сенга шон бўлсин!

2025 йил, июль.

КУТУБХОНА – БИРНИКИ, МАНФААТ – МИНГНИКИ



Бошланиши 1-саҳифада.

Яна кийим-кечак савдоси ҳам анча фойдали – тўрт мавсумда тўрт хил либос киши керак. Бу ёқда одамлар иморат куриш, эски уйларини оврўпача услубда таъмирлашга роса зўр беришяпти. Демак, қурилиш моллари бозори ҳам яхшигина даромад келтиради. Тўртта соябон тиклаб, стол-стул қўйиб ошхона очганларнинг-ку ошиғи олчи. Жисм-у жоннинг вақт-бевақт оғриб туришидан “қайғурган” тадбиркорлар баҳсма-баҳсига дорихона очаётир,

устига устак, хусусий шифохоналар сони ортиб бормоқда.

Аммо одам боласининг қорни тўқ, усти бут, турмуши фаровон бўлгани билан дунёқараши ҳаминқадар, зеҳниятини моғор босган бўлса, уни бахтли атаб бўлармиди? Бахт излаган одам нафақат қорни, балки кўнгли тўқлиги ҳақида ҳам бош қотириши керак. Кўнгли тўқлиги эса китобсиз, мутулаасиз бўлмайди.

Бу ҳақиқатни чуқур англаб етган тадбиркорлар Шарифбой ота ҳамда Қувондиқ Абдуллаев сўз ва иш бирлигига амал қиладиган, умрини қалбларга зиё сочишга бағишлаган одамлардан. Ўтган йили тўнғич фарзанд Қувондиқ Урганч шаҳрида ҳашаматли кутубхона очган эди. Ушанда у ердаги китоб фонди, яратилган шарт-шароитларни кўриб, вилоятда бу масканга ўхшаш бошқа йўқ, деган хулосага келган эдик. Сал шошган эканмиз.


Яқинда фарзандларига ҳар соҳада ўрناк бўлиб келган Шарифбой ота ҳам шаҳарнинг гавжум мавзелаарида бирида юз мингдан ошқ китоб фондига эга “Устоз” номли кўркам хусусий кутубхонага асос солди. Китобсеварлар учун бу ерда қулай шарт-шароитлар яратилган: излаган китобини

топиб, мутулаа қилиши ёки уйига олиб кетиши мумкин. Агар асар ёқиб қолса, харид қилиш имкони ҳам бор. Шундай қилиб, янги зиё маскани бир вақтнинг ўзиде уч вазифанга бажаради: қироатхона, кутубхона, китоб дўкони.

Очилиш маросимида таъкидланишича, ота-бола шу кунгача вилоятда еттита китоб дўкони ва кутубхона фаолиятини йўлга қўйишга муваффақ бўлган. Вилоятнинг узок ва яқин тарихида ҳали бирор ишбилармон еттита китоб дўкони очмаган, кутубхона қурмаган.

Буни эшитиб, мозий қатида ётган бир аср олдинги маълумот ёдимга тушди. 1913 йилда Хива хонлиги ҳудудида 11 та китоб дўкони ва 2 та хусусий кутубхона (бири Хивада, бири Урганчда) фаолият юритган. Улардаги китоб фонди ўн саккиз мингдан ошқ бўлган. Бу савобли ишлар бошида эса хоннинг бош вазири, маърифатпарвар ислохотчи, жаҳидлар ҳомийси Исломхўжа турган. Ўз даврида ушбу рақамлар ўлкада катта интеллектуал силжиш сифатида қабул қилинган. Бу хоразмлик жаҳидлар саъй-ҳаракати билан рўй берганини алоҳида қайд этиш ўринли.

1870 йилда Тошкентда ҳам илк халқ



кутубхонаси очилади, аммо 1883 йили генерал-губернатор Черняев буйруғи билан ёпилади. Шаҳарлик зиёлилар талаби билан кутубхона бир йилдан сўнг қайта очилган.

Шунингдек, 1864 йилда Китоб ҳокими Жўрабек додхоҳ шаҳарда йирик кутубхона очган, аммо чор маъмурлари ҳудудни босиб олгач, бу кутубхона талон-тороғ қилинган. Жўрабек додхоҳ Тошкентга келгач, ўзи яшайдиган Қорасув мавзесида яна ноёб китобларга эга шахсий кутубхонасини ташкил қилади.

Ушбу мисолларни келтиришдан мақсад, барча замонларда элга зиё тарқатишни ҳаёт дастурига қиритган инсонлар бўлганини эслатишдир.

Бугун Хоразм вилоятида фаолият юритаётган китоб дўконлари ва кутубхоналар сони бир аср илгариги рақамлардан уч баробар кўп. Эътиборлиси, ушбу зиё масканларининг бешдан бири Абдуллаевлар оиласига тегишли.

Шарифбой ота каби инсонлар бор экан, яқин йилларда вилоятдаги китоб дўконлари ва хусусий кутубхоналар сони яна ошади. Энг асосийси, бунга талаб ва эҳтиёжнинг борлиги, китобсеварлар саноғи кундан-кунга кўпаяётганидир. Шу эзгуликлар сабаб, “Ёш китобхон” танловининг навбатдаги бош соврини Урганчга келса, не тонг...

Рўзимбой ҲАСАН



“ЎЗБЕКИСТОН – ОҲАНРАБОЛИ ЮРТ”

Бошланиши 1-саҳифада.

Буни қарангки, Ҳиндистонда туғилган мутафаккир шоирлар Амир Хусрав Деҳлавий ва Мирзо Абдулқодир Бедилнинг келиб чиқиши Шаҳрисабзга тақалади. Шунингдек, Хоразм воҳасидан етишиб чиққан улўғ аллома Абу Райҳон Беруний биринчилардан бўлиб Ҳиндистонни илмий жиҳатдан ўрганган ва илганишлари асосида мукаммал асар ёзган. XIII асрда Султон Муҳаммадшоҳ ибн Ғиёсиддин Тўғлуқшоҳ даврида Деҳлига кетиб, бетақор ижоди билан “фаҳри замон” рутбасига эришган Бадриддин Чочий қолдирган гўзал адабиёт намуналари ҳам икки халққа етadиган маънавий хазинадир.

Айтмоқчиманки, тил, адабиёт, фалсафа, илм-фан Ҳиндистон ва Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистонни қадимдан бир-бири билан боғлаб келган. Мен каби икки халқ тарихи ва маданиятини ўрганадиган олимлар учун Ўзбекистон шу боис ҳам оҳанраболи ўлка бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Иккинчидан, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент ва Фарғона водийси ҳақида ҳинд адабиёти орқали кўплаб манбаларни болалигимдан эшитиб, ўқиб улғайганман ва улар қалбимда ажиб туйғулар уйғотган. Бу туйғулар кейинчалик илмий қизиқишларим билан уйғунлашиб кетди. 2019 йилда Тошкент давлат шарқшунослик университетидан дарс бердим. Ўзбекистонлик олимлар билан дўстлашдим. Илмий фаолиятим ва кадрдонлик хисси боис оёғим Ўзбекистондан узилмайди. Ҳинд, форс, урду адабиётининг буюк шоири Мирзо Ғолиб ўзини “самарқандлик” деб атагани каби мен ҳам ўзимни қисман ўзбекистонликман деб ҳисоблайман.

– Ўзбекистон ва Ҳиндистонни асрлардан бери боғлаб турувчи яна бир мумтоз ришта – ҳар икки миллат тарихида ёрқин из қолдирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосидир. Сиз Бобур ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганган хорижлик олим сифатида унинг ҳинд тамаддунига қўшган ҳиссасини қандай баҳолайсиз?

– Ҳинд тараққиётини Бобур ва бобурийларсиз тасаввур этиб бўлмайди ва буни тан олмасликка ҳаққимиз йўқ! Ҳиндистоннинг қайси гўшасига борар экансиз, бобурийларнинг тарихий изларига дуч келасиз. Йирик Жоме масжиди, муҳташам Қизил қаср, Ҳумоюн мақбараси, Қутб минор – барчаси шу сулола вақиллари томонидан бунёд этилган диққатга сазовор масканлардир. Айниқса, Шоҳ Жаҳон қурдирган афсонавий Тожмаҳал Ҳиндистон бўйидаги муқаддас тумор бўлиб қолди.

Бизнинг мамлакатда ер-сув тизими ушбу сулола томонидан изга солинган ва бу ҳозирги кунга қадар ҳам амалда. Шунингдек, Ҳиндистонда маъмурият тизими ҳам аслида ўша даврларда шаклланган. Форс, урду, ҳинд, гуҷарат, марати, бенгал тилларининг диалектдан адабиётга айланиши ҳам улар ҳукмронлиги даврига тўғри келади.

Қолаверса, “Бобурнома” ҳинд маданияти ва тараққиёт даврини ўрганишда Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асаридан кейинги иккинчи энг муҳим манба ҳисобланади.

Бобур Мирзо урф-одатларимиз, маданият ва ҳаёт тарзимизни жуда диққат билан кузатган ва бу ҳақда “Бобурнома”да жонли, аниқ ва чуқур баён этган. Бу китобда сафарнома элементлари бор, лекин у тўлиқ сафарнома ҳам эмас. “Бобурнома” халқларимиз учун энг яхши мемуар энциклопедиядир. У дунё адабиётининг бебаҳо классик асарларидан бири. Мен ҳинд ва ўзбек халқи “Бобурнома”ни ўқиши шарт деб ўйлайман.

Албатта, Бобур каби улўғ мутафаккир қадам қўйган ерларда маърифат, маънавият ва маданиятнинг чуқур излари бўлиши табиий. Унинг Ҳиндистон тараққиётига қўшган ҳиссаси эса абадулабад эътироф этилажақдир.

– Ҳиндистон Президенти қароргоҳида Бобур Мирзо хотирасига бог ташкил этилгани ва унинг эшиклари ҳар йили февраль-апрель ойларида халқ учун очик туришини эшитган эдик. Шу ҳақда гапириб берсангиз.

– Худди шундай. Богнинг тарҳини яратишда “Бобур боглари” архитектурасига



таянилган. Богнинг очилиш кунлари жуда катта байрамга айланиб кетади. Томоша қилишга Ҳиндистоннинг барча штатларидан ниҳоятда кўп одам келади. Мазкур бог ҳар йили моҳир богбонлар, ландшафт усталари томонидан миллионлаб анвойи гуллар, манзарали дарахтлар билан замонавий дизайн ва ўзига хос услубда ясатилади.

Фақат бир ориқли жойи бор, инглизлар Ҳиндистоннинг тарихий ҳужжатларига бобурийларни мўғуллар деб қиритиб кетишгани боис, бу бог яқин-яқингача “Мўғуллар боғи” деб аталган. Дарҳақиқат, бог ҳар йили



Бобуршоҳ таваллуд арафасида очилиб, апрель охирларида ёпилади.

– Жавоҳарлаъл Неру номидаги университет Ҳиндистондаги энг етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади. У ерда ҳинд ёшларининг ўзбек тилини мукаммал ўрганаётгани бизни хурсанд қилди...

– Ҳа, биз ўзбек тили ўқув курсини қайта очдик. Унда фақат университет талабалари эмас, бошқа ўқув юртларидан ҳам йигит-қизлар келиб ўқишади. Қирқ йилча аввал бундай курс бўлган, лекин кейинчалик негадир ёпилган. Университетимизда форс тили профессори бор, у ўзбек тилидан ҳам дарс беради. Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси оҳимлари ташкилий масалаларда бизга ёрдам беришади. Ўзбекистондаги бир қанча университетлар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоладик. Албатта, бу талабаларимизга фақат мулоқот учунгина эмас, балки умумидабий меросимизни ўрганиш ва уни тадқиқ қилиш учун ҳам керак. Салоҳиятли ўзбек устозларни тақлиф қилаймиз. Шу масалада Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик Шухрат Сирожиiddинов қа-

булига ҳам кирдим. У киши бизга ўқитувчи ажратишда ёрдам беришга тайёр эканини маълум қилди. Бу эса талабаларимизга Ўзбекистон тарихи, жамияти, маданияти, иқтисодиёти ва бугуни ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлиш имконини яратади.

– Фаолиятингиз ва дунё олимлари билан муносабатларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

– 24 йилдан буён Жавоҳарлаъл Неру университетидан ишлайман. Бундан ташқари, бир муддат Тошкент давлат шарқшунослик университетидан ҳам фаолият олиб бордим. Оксфорд, Кембриж, Принстон университетларида маъруза ўқийман. Яна Покистондаги олий ўқув юрти билан ҳам шартномавий дарсларим бор. Яқинда Принстон университетининг катта лойиҳасида иштирок этдим.

Умуман, бир қанча халқаро илмий-адабий лойиҳаларда қатнашиб келяпман. Эллиқдан ортиқ фан номзодлари ва магистрантларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилдим. Шеърлар, таржималар, илмий мақолалар, адабий қўлланмалардан иборат ўттизга яқин китобим нашр этилган. Кўплаб адабий ва маданий ассоциацияларга аъзо бўлдим. Ҳиндистонда форс тили ўқитувчилари уюшмасининг илмий котиби, форсий шоирлар уюшмаси раҳбариман.

Таржима билан ҳам шуғулланаман. Яқинда ўзбек адабиси Шаҳодат Исахоно-

турли тилларга қилинаётган таржималарнинг савияси анча баҳсли. Бундай ҳолатлар шеърининг савиясига пугур етказмайди? Олим сифатида сиз бунга қандай қарайсиз?

– Яхши савол. Дарҳақиқат, шеър бошқа тилга ўғирилмайди. Чунки у кўзёшига ўхшайди. Кўзёши муайян ҳиссий ҳолат натижасида пайдо бўлади. Баъзан қайғудан, баъзан шодлиқдан. Лабораторияда кимёвий усулда сунъий кўз ёши ясашингиз мумкин, аммо у ҳақиқий бўлмайди. Шеърининг ҳам шундай. У мантиқ ва ҳиссийёт ифодаси. Фақат бир кишигина уни ярата олади – у ҳам бўлса шоирнинг ўзи. Шеърнинг мазмунига чуқур кириб, уни яна шеърини усулда қайта яратиш ва балки шунга яқинлашишгина мумкин. Акс ҳолда, шеър ўғирилмайди.

Ўзим шундай фикрда бўлсам-да, араб тилидан ҳазрат Али, Ҳасан ибн Собит, Ибн Арабий; форсчадан Мавлоно Румий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Амир Хусрав, Бедил каби мумтоз шоирларнинг асарларини таржима қилганман. Бу жуда қийин иш. Мен шеърни ўқийтган пайтимида унинг руҳига қира олсамгина таржимасига қўл ураман.

Таржимадан мақсад – оммалаштириш. Агар шеър ҳатто таржима қилинган ҳолатда ҳам ўқувчи қайфиятига таъсир қила олса, демак, у ҳақиқий шеър.

Шеър таржимаси нафақат сўз, балки

майти. Чунки унинг ўзи ўша тафаккур маҳсулидир.

Ҳа, сунъий интеллект шеър ёзади, сурат чизади, таржима қилади, мақола тайёрлай олади. Лекин у бажарган ишлар, барибир, ўртамиёна даражада бўлади. Айниқса, ижодий ишни санъаткорона ярата олмайди. Бир неча аср олдин минглаб шоир бўлгандир балки. Улар ҳам эҳтимол ўз доирасида яхшигина танилган бўлиши мумкин. Лекин бизгача фақат бир неча нафаригина етиб келди. Даҳолар яшаб қолди, ўлмади, қолганлари йитиб кетди. Шундай эмасми?

Инсоният ақл-заковатига, ижодий маҳсулига талаб ҳеч қачон ўлмайди. Бу томондан хавотир олишга ўрин йўқ, деб ўйлайман. Лекин бошқа нарса бор. Сунъий интеллект инсон онгини эгаллаб ола бошлагани рост. Бугун одамлар ўзидан “узокда” яшаяпти. Агар у ўзига, ўзлигига қайтмас экан, ижодий қобилиятидан айрилади, онг, шуур томонлама ногирон бўлиб қолади. Асл адабиёт, илм, маданиятга эҳтиёж ҳамиша бўлади, аммо бу эҳтиёжни қаноатлантирадиган ижодкор олим топилай қолиш хавфи бор.

– Ҳиндистонда бир муддат яшаб, халқининг маданий объектларга чуқур эҳтиромидан ҳайратланганман. Ҳиндлар музей ва тарихий обидаларни томоша қилиш учун пули ва вақтини аямайди. Шунингдек, ҳинд тўйларида, мавқеидан қатъи назар, барчанинг бирдек миллий либос кийиши ҳам мени ҳайрон қолдирган. Нима деб ўйлайсиз, Ҳиндистон узок йиллик мустамлакаларда миллий ўзликка садоқат ҳиссини қандай сақлаб қолган?

– Ҳа, Ҳиндистон ўз урф-одатларига содиқ мамлакат. Гарчи юртимизда юзлаб тил, диний эътиқод, мазҳаблар, урф-одатлар, қабила, этник гуруҳлар яшаса-да, биз қадриятларимизда собитмиз. Айтганингиздек, халқимиз ўзининг миллиятини мустамлакалардан омон олиб чиқди.

Аслида, қадриятлар илдизлари шу қадар чуқур бўладики, уни сўғриб ташлашнинг иложи йўқ. Бироқ бугун кўп миллатлар ўзлигини унутиб, гарб анъаналарини қабул қилмоқда. Жумладан, Деҳли ҳаётида ҳам Европанинг таъсири йўқ эмас. Мактабларимиз деярли инглиз тилига ихтисослашиб бормоқда. Ҳинд ёшлари урду, ҳинд, пан-жобий, тамил ёки бенгал адабиётини ўқий олмайди. Ҳўш, улар энди ҳинд классик асарларидан беҳабар қоладиларми? Биз эски санскрит ва пали ёзувидан, бунинг ортидан эса улкан адабиётдан айрилдик ҳисоб. Мен бир ҳиндистонлик ўларок, миллий интеллектимиздан узоклашаётганимиздан ташвишланаман.

Бундай йўқотишни Марказий Осиё мамлакатларида ҳам кўраман. Сизда ҳам қўл-ёзма асарларнинг деярли барчаси араб ёзувида, янги авлод эса бу ёзувини билмайди. Шунинг учун кутубхоналарда сақланаётган ноёб асарлар билан алоқалар деярли узилмоқда.

Музей ва тарихий обидалар, урф-одатлар, миллийликка эҳтиромимиз эса ҳудуд ва аҳоли сонининг катталиги ҳамда ҳинд халқининг санъатсеварлиги билан ҳам қисман боғлиқ, деб ўйлайман. Миллат муҳаббатини енгилга қодир ҳеч бир куч йўқ. Мустамлакачилар халққа ижтимоий жиҳатдан босим қилиши мумкин, лекин унинг аслиятини йўқ қила олмайди.

– Ўзбек халқининг сизни энг мутаассир қиладиган жиҳатини айта olasизми?

– Албатта, меҳмондўстлиги. Мен чет элларга тез-тез сафарга чиқаман ва жуда кўп дўстлар орттирганман. Қачон борсам, улар хурматимни жойига қўйишади. Лекин ўзбекиона мезбонлик дунёда тенгсиздир. Ўзбеклар меҳмонини еру кўкка ишонмайди. Бошқа ҳеч бир ерда бегона одамни бу қадар эъзозлашмайди. Бу, менимча, маҳаллий маданият ва исломий тарбия туфайлидир. Агар йўқ демасангиз, ўзим ёзган бир шеър билан сўзимни яқунласам.

Гўзал қулгаи, нозли боқишлар,
Лол айлади майин сўзларинг.
Не эди у берилган ваъда,
Келаман деб нечун келмадинг?

Лабинг, кўзинг, руҳинг анбари,
Мафтун этган кўйдаман ҳамон.
Қўнғироксоч, қош, китрик – бари,
Ҳаётимни айлади тамом.

Ақлдан оздириб ҳуснинг-ла мени,
Бир далли қул каби банди айладинг.
Қўнғил занжирига озод қалбимни
Жавобсиз муҳаббат билан бойладинг.

Муҳайё РУСТАМ қизи суҳбатлашди.



“...Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янги тараққиёт юз берди.

Жавоҳарлаъл НЕРУ

”

ванинг ҳикоялар тўпламини урду тилига ўғирдим. Ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарини ҳинд халқига тақдим этиш нияти бор. Мақсадим – адабий алоқалар ривожига ҳисса қўиш. Ўйлайманки, бизнинг замонавий ҳинд адабиёти намуналари ҳам ўзбек тилига таржима қилинади.

– Фейсбук тармоғидаги саҳифангизда эълон қилинган шеърларингизни ўқидим. Шеърингизга қизиқшингиз қачон бошланган? Сиз учун шеърингиз нима?

– Шеър – бу ҳодиса. Шунингдек, у бир инсон туйғуларининг табиий ва ижодий ифодасидир. Бу биргина ҳолат ёки кечини-ма билан чекланмайди. Чунки инсон бутун умр бир ҳолатда яшамайди. Шоирнинг ички дунёсидаги қайфият унинг шеъринида акс этади. Тўғма шоирларга шеър илоҳий илҳом билан келади.

Ўзим классик шеърини яхши кўраман. Лекин маълум бир йўналишга ёпишиб олиш фикрдан узокман. Урду ва форс мумтоз шоирларининг деярли барчасини ўқиганман. Бошқа тиллардаги, хусусан ҳинд, инглиз, шунингдек, ўзбек шеърини ҳам севиб мутолаа қиламан.

– Сўнгги пайтларда ҳаваскор таржимонлар кўпайиб кетди. Улар томонидан

руҳият таржимаси ҳамдир. Яъни, унинг замиридаги туйғу, ритм, ифодалар ҳам қайта яратилиши лозим. Таржима қилинган шеър бир танадан бошқа танага кўчириб ўтказилган юракка ўхшайди. Бир тилдан иккинчи тилга ўтаётганида у уриб туришдан тўхтаб қолмаслиги керак. Таржимон бунга эришсагина, муроди ҳосил бўлади.

Адабий таржима – юраклар орасидаги кўприк. Асар муаллифи билан ҳамкорлик қилар экансиз, унинг туйғуларига ҳиёнат қилмаслигингиз керак. Бу жуда нозик жараён. Айниқса, туркий тилларнинг ўзига хос тембри ва мусиқий элементи бор. Таржимон уларни сақлаб қолишга ҳаракат қилиши керак. Ҳар бир шеърга ёндашув турлича, чунки ҳар бир муаллифнинг услуби ва фикрлаш тарзи ўзига хос.

– Тўртинчи саноат инқилоби ҳосиласи сифатида эътироф этилаётган сунъий интеллект ҳар бир соҳани қамраб олаётгани кишини ўйлантиради. Бугун унга буйруқ бериб, шеър ёздириш, сурат чиздириш ҳам мумкин. Сизнингча, бу кетишда келажақда ижодкор ва олимларнинг ҳоли нима кечади?

– Сунъий интеллект қанчалик ривожланмасин, инсон тафаккури билан тенглашол-



АБАДИЯТ ОРАЛАБ...

Негадир, хонандалардан “кумир”им, яъни жон-дилдан яхши кўрадиганим йўқ. Эҳтимол, бу ашула айтишга лаёқатим камлигидандир. Чунки ўзим рубоб ё дутор чалиб, кўпроқ завқ олсам керак-да. Энди секин-секин танбурга ҳам ўтиляпти. Лекин Ҳожи Абдулазиз Расулов, Расул қори Мамадалиев, Ҳалима Носирова, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Берта Давидова, Ботир Зокиров, Бобомурод Ҳамдамов, Шерали Жўраев ва бошқалар овозию ижросида ажиб гўзаллик, ҳеч кимникига ўхшамаган ўзига хослик, баландпарвоз ифода деб ҳисобламасангиз, илоҳий бир жозиба борлигини ич-ичдан ҳис қиламан. Уларнинг ашула ё кўшиқларини эшитсам, баъзан Аллоҳнинг шундай қудратига қойил қолганимдан беихтиёр йиғи ҳам келади.

ИККИ ҚУТБНИ БИРЛАШТИРГАН ҲОФИЗ

Талабалик йилларимизда (1971–1976) афсонавий хонанда Шерали Жўраев ҳақида кўп баҳслашардик. Унинг саҳнада ўзини ҳаддан ташқари эркин тутиши, қутилмаганда ўнг қўлини тордан бўшатиб, сони чап қўлида осилтириб олиши, ҳатто мусиқани тўхтатиб қўйиб, ашула ўртасида декламацияга ҳам ўтиб кетиши юзасидан кўп тортишганмиз. Очиги, камина кўпинча унинг танқидчилари сафида бўлар эдим. Йиллар ўтди. Ҳофиз тинмай тафаккурини ўстирди. Янги-янги йўллар, ғоялар, оҳанглар, усуллар, услублар излади. Эл-улуснинг кўнглига кирди. Шуни исботладик, ҳар ким ҳам хонандаликда у эришган юксак даражага кўтарила олмас экан.

Аввало, у сўзга ошуфта эди. Хонандаликни мусиқа ва овоз орқали элга фикр айтиш воситаси, ҳофизни эса, бевосита мафкуравий соҳа вакили, деб билди. Халққа мусиқа ва овоз орқали ғоя беришни мақсад қилди. Оммани шу ғоялар ортидан эргаштирди. Ахир, у сўзини тушунмаган ҳолда бирорта ҳам қўшиқ айтгани йўқ. Шеърнинг сўзини тушуниш экан, ҳатто уни “тушунтирмасдан” туриб ҳам бирорта ашула ижро этмади.


Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси аруз вазида, яъни қўшиққа мос оҳангда битилган, лекин Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” қасидаси қўшиқ учун ёзилганми? Шерали Жўраев шуни ҳам мумтоз бир ашулага айлантирди. Бу буюк санъаткорнинггина қўлидан келади.

1956 йили коммунистик партиянинг XX съезидан кейин бироз эркинлик шабадалари эса бошлади. Ўзбек шеъриятида миллий тенглик ғояларини тараннум этишга киришилди. Ҳатто, илгор зиёлилар адабий асарларга айнан шу ғояга қанчалар хизмат қилган қилмаганига қараб баҳо беришга ўтди. Аммо бу янги йўналишдаги шеърятда миллий ғоялар илгари суриллаётган, бу эса амалда ҳукмрон сиёсатга зимдан қарши бир мафкура эди. Шерали Жўраев шеърятдаги шу тамойилларни хонандачиликка олиб кирди. Шеърят ва мусиқий санъат қўшилиб, халқни уйғотди. Бу уйғониш охир-оқибат Ўзбекистонимизни мустақиллик сари етаклади ва ниятга етилди ҳам.

Абдулла Ориповга ҳам, Эркин Воҳидовга ҳам, аслида, “Ўзбекистон Қаҳрамони” олий унвони айнан ана шу шўро давридаги жасоратлари учун берилган эди. Очиги, бу икки қўшиқни халқимиз Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгунга қадар худди бир миллий мадҳия янглиғ қабул қилди. “Ўзбегим”ни кўплар “ҳофизнинг энг зўр қўшиғи” деб ҳисоблайди. “Ўзбекистон” қасидасини ҳам ёнига қўшиб, булар ўз даврида миллий мафкурани шакллантириш учун асос бўлди, халқ орасида миллий овозлик ҳиссини уйғотди, деб ҳисоблаш мумкин.

Ёки, Омон Матжон қаламига мансуб Навоийнинг “Аввалгиларга ўхшамас” газалига боғланган тахмисини Шерали Жўраев ашула қилиб, эл орасида кенг ёймаганида эди, ундан кўплар беҳабар қолиши ҳам мумкин эди. Худди шундай, “Ўзбегим” ва “Ўзбекистон” қасидаларини ўқиган кўпми ёхуд ашула тарзида эшитганими? Албатта, бу саволга арифметик аниқликда жавоб бериш жуда қийин. Аммо, ҳойнаҳой, ўқиганлар сонидан эшитганлар сони бир неча қарра кўп бўлса керак.

Ё хонандаларимиз ижоди ҳар тарафлама таҳлил этилган илмий рисола ва мақолалар кам, ё бошқа соҳа вакили бўлгани учун каминга шундай туюлади. Ҳар ҳолда, Шерали Жўраев, Бобомурод Ҳамдамов, Ортик Отажоновдек халқ севган ҳофизларимизнинг бир-бирига ўхшамаган ўз йўли, ўз услуби бор эди. Шу маънода Шерали ака зиёлилар хонандаси эди. Ўтган асрнинг 70–80-йилларида талабалар ўртасида ҳам муҳлиси жуда бисёр эди.



“Қадим замонлардан шеърят билан мусиқа бир онанинг икки эгиз фарзанди каби ўхшаш ва яқин, бир зарваракнинг икки саҳифаси каби туташ ва бир бутун бўлиб келган. Эркин ВОҲИДОВ”

Буюк ҳофиз кейинчалик кўп синовларга дуч келди. Ҳозир бунинг сабабларини қидириб ўтиришнинг мавриди эмас. Каминанинг қатъий хулосаси шуки, ижодкорга “сиёсатчи” деб қарамаслик, эркинлиги, хурфидлиги бу тоифанинг асосий фазилати эканини асло унутмаслик керак.

Таққиқи ҳар ким ҳар хил қабул қилади. Баъзилар дарҳол кимларидир ёмонлашга ўтиб олади. Бутунлай тушқунликка тушиб, бор ижодини бой бериб қўйганлар ҳам топилади. Шерали аканинг ижоддан тўхтагани, ивго-ғийбатларга қўшилгани, кимлардандир домонгир бўлганини асло эшитмадик. Очиги, кейинги пайларда унда ўз тақдирини Аллоҳнинг иродаси сифатида талқин этишга мойиллик кучайган эди.

2016 йил охирларидан ҳофиз учун кенг йўл очилди. “ЗўрТВ”да унинг иштирокида навоийхонлик кечаси ташкил этилди. Унда навоийшунос мутахассис бир ғазални қисқа шарҳлайди, кейин у ижро этилади. Камина буюк шоирнинг:

*Лаълинг оё не ажаб рангиндур,
Сўзи анинг не бало шириндур,* – байти билан бошланадиган ғазалини шарҳлаган бўлдим.

Орада Шерали ака: – Мен отамга: “Нега менга “Алишер” деб от қўймагансиз? Ўшанда, эҳтимол, Навоийдай машҳур бўлиб кетармидим, деганман”, – деди.

Шунда стол устида турган микрофонни шарт олдим-да:

– Мусулмон Шарқи мумтоз бадииятида “тарди акс” деган санъат бор. Унда сўзларнинг ўрни ўзаро ўзгартириб қўлланади. Масалан, шоир аввал “Шерали” дейди, кейин “Шер” билан “Али” сўзларининг жойини алмаштириб ишлатади, “Алишер” бўлади. Сиз ҳеч армон қилманг: “Шерали” – “Алишер”! – дедим.

Бу лутф ҳофизга кўп маъқул тушди. Зал ҳам қарсақ чалиб юборди.

Унинг кўнглида икки қутб бирлашгандай эди. Узоқдан қарасангиз, ўта мағрур бўлиб кўринар эди. Яқиндан билганлар унинг қанчалар юмшоққўнғил, сўфийликка мойил шахслигига гувоҳ бўларди. Аслида, камтарликни намоян қилиш ҳам бир санъат. Бу киши табиятан ўта камтар эди.

Шерали ака чинакамига изланувчан ижодкор эди. Навоийнинг “Айлангиз” ва “Эмас” радиопи ғазалларини маҳорат билан ижро этган. Биринчи ғазал охирига байтидаги: “Эй муганнийлар, Навоий маст эди, (шунинг учун у) кеч уйғонади, уни уйғотишга бир дилкаш (ёқимли) куй (ё қўшиқ) тараннум этинглар”, деган мазмундаги ажойиб саҳнавий тасвир билан тугаши ҳофизга ажиб илҳом улашган. Натижада унинг ўзбек қўшиқчилигидаги қатъий анъаналарни бузиб бўлса ҳам, Навоийнинг шу ғазалидаги лирик қаҳрамонининг илтимосини бажо айлагиси келиб кетган. Шу ғазалга “Эмас” радиопи ғазални улаб ижро этган. Чунки бу ғазал мақтасида ҳам лирик қаҳрамон, худди олдин тилга олинган ғазал мақтасидаги каби, Навоийнинг мастлигини тилга олади:

*Манга гулруҳ соқи-ю, булбулга гул тутти қадах,
Маст эрур ул ҳам Навоийдек, вале расво эмас.*

Яна бир алоқадор жиҳати – иккала ғазал ҳам рамали мусаммани маҳзүф (ёки мақсур), яъни “фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилон (ёки фоилон)” вазида битилган. Иккала асардан ҳам айрим байтлар қисқартирилган, албатта.

Бизда мумтоз ғазалларимизни мақом йўлида айтиш анъанаси устувор. Шерали ака ана шу қолипни бир қадар синдирди: уларни миллий ашулаларчи услубига солиб айтди. Бу анъана Фахриддин Умаров ва бошқа айрим ҳофизлар ижодида ҳам бор эди. Кейинги даврда Озодбек Назарбеков Лутфий ва бошқа мумтоз шоирларимиз ғазалларини замонавий куйга солиб айтиш анъанасини изчил давом эттириб келяпти.

Ўзи-ку таъзияда мусиқага асло ўрин йўқ. Лекин, ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам, бир гапни айтман: буюк ҳофиз вафот этганидан кейин бир неча кун маҳалламизнинг у ё бу ҳовлисида овоз кучайтиргични энг баланд нуқтасига бураб қўйилган ҳолда ана шу афсонавий хонанда ашулалари янграб турди.

Санъат ўлмайди! Ҳақиқий санъаткор ҳам! Демакки, Ўзбекистон ҳамда Тожикистон халқ артисти Шерали Жўраев ҳам!

Султонмурод ОЛИМ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

“АНОЙИНИНГ ЖАЙДАРИ ОЛМАСИ” ҚАРДОШЛАР САҲНАСИДА

Бошланиши 1-саҳифада.

Кўпчилик қатори мени ҳам, аввало, бир савол қизиқтирди: “Нега айнан “Анойи”? Ахир саҳналаштираман дейилса, Эркин Аъзам сўзича “харидорини кутиб турган пьесалари бор”.

Киномуҳиблар яхши эсласа керак, ўтган асрнинг 90-йиллари режиссёр Фарҳод Ҳайдаров “Анойининг жайдари олмаси” асосида “Чантриморэ” номли фильм суратга олган. Ушанда, айниқса, бош қаҳрамон – Рамазон образини ижро этган Муҳаммаджон Холматов ижроси кўпчиликка маъқул келган, актёр дўлворгина, содда, самимий ва чапани ўзбек йигити қиёфасини гавдалантирган эди. Мана, орадан йиллар ўтиб, ҳикоя энди театр саҳнасида!

Режиссёр Сайфиддин Мелиев спектакль жанрини “этно-фольклор томоша” деб белгилайди. Халқона куй-қўшиқ, сурхонча либослар, ранг-баранг декорациялар шундан. Саҳнада ёғочдан ясалган шартли маконни кўрамиз: юқориға тарнов ўрнатилган, шилдираб сув оқади. Ўртада ҳовуз: икки нафар болакай бир-бирига сув сеипи чўмилади. Бу орқали улар қишлоқ муҳитини, икки дўст (Рамазон ва йигит)нинг болалик хотираларини жонлантиради.

Спектаклда йигит ролини ижро этган актёр Улуғбек Носиров бир вақтнинг ўзида воқеалар шарҳловчиси, ҳам асосий қаҳрамонлардан бирига айланган. Асар унинг тилидан ҳикоя қилинади. У қаҳрамонларнинг ҳолати, кечинмаларига муносабат билдирар экан, бу ҳол томошабиннинг воқеаларни теран англашига йўл очади.

Рамазон образи ижросини Жавлон Сайитов гоҳда комик, гоҳда психологик бўёқлар билан қаҳрамони характерини очиб беради. Қотмадан келган, миқти йигит томоша давомида яхшигина руҳий ва жисмоний қувват сарфлайди.

Актёр боши ва зғида бойсунча дўлпио чопон, қўлида “эга-сидек бетайин – қулфланса очилмайдиган, очилса қулфланмайдиган антиқа чамадон”, томоша залидан “Чантриморэ-э!” дея ҳайқирганча кириб келароқ ҳамманинг эътиборини жалб қилади. У бирор саҳнада ҳаракатсиз қолмайди. Айниқса, қаҳрамон характеридиға ўзгарши, кескин бурилишларни моҳирона талқин этади. Дейлик, мана бу саҳна: “Олма моҳароси”дан сўнг қамоққа олинган Рамазон жазо муддатини ўтаб озодликка чиққан, бошқа одамга айланади – замонавий кийинган, қўлда сигарет, қиёфа жиддий. Тақдирнинг қутилмаган ўйинлари уни анча ўзгартиргани, қарашлари, нигоҳларини серкак торттиргани сезилади. Аммо ўша-ўша жайдариллик, ўша-ўша анойи фалсафа: “Дунёни панжарадан ҳам бир қўриб қўйдим-да, зиён қилмас...”

Маълумки, адабиёт ва театрнинг ифода воситаси, тутумлари бўлак. Адабиёт – сўз санъати, воқеаларни сўз ила тасвирлайди, ҳикоя қилади. Театр эса шартли ҳодиса, яъни саҳнада ҳамма нарсани бориҳа қўрсатиш, талқин қилиш иложсиз. Зеро, китобдан фарқли, саҳнада сюжетни бошдан-оёқ ҳикоя қилиб бериш имконсиз. Ҳолбуки, спектаклни фақат сўзга қурсангиз, томошабин мудрай бошлайди, зерикади. Режиссёримиз буни яхши билади, шу боис ҳикоя асосида алоҳида томоша яратади.

Айтайлик, Тошкентга келган Рамазон дўстига Бойсун хангоналларини радиоэшиттириш ўлароқ сўзлаб берадиган ғоят

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ТАЖОВУЗ УЧУН ЖАЗО

Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев тиббиёт ходимларига нисбатан жисмоний зўравонлик ва шафқатсизлик учун жазони кучайтиришни қўллаб-қувватлади.



Бу ҳақда унинг матбуот котиби Руслан Желдибай маълум қилди. “Tengrinews”нинг ёзишича, Қозоғистонда июль ойининг ўзида тиббиёт ходимларига икки марта ҳужум уюштирилган. Бир ҳолда Қостанайдаги вилоят шифохонасида навбатда туришни қолдирмаган бегоҳ бемор жарроҳчи халтақлагани бўйича ижтимоий тармоқларда шов-шув кўтарилган. Шифокор оғир аҳволда реанимация бўлимига ётқизилган.

АҚШ ЮНЕСКО САФИДАН ЧИҚМОҚДА



АҚШ президенти Доналд Трамп ташкилотнинг “Америкага ва Исроилга қарши” кун тартиби туфайли АҚШнинг ЮНЕСКОдан чиқиши тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда “New York Post” Оқ уйга, “Reuters” эса икки европалик дипломатга таяниб ёзмоқда.

Оқ уй матбуот котиби ўринбосари Анна Келлининг сўзларига кўра, Трамп маъмурияти ЮНЕСКОнинг хилма-хиллик, тенглик ва инклюзивлик сиёсатидан, шунингдек, унинг “фаластинпараст ва хитойпараст тарафқашлигидан” норози.

ЧЕГАРАДА ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ



Таиланд ва Камбоджа бир-бирини чегарада қуролли тўқнашув фитнасида айбламоқда. “Reuters” агентлиги маълумотиға кўра, дастлабки отишмалар баҳсли ҳудудда жойлашган Та Моан Тхон ибодатхонаси атрофида бошланган.

Таиланд томонига кўра, камбоджалик ҳарбийлар Оддар-Меанчей провинцияси ҳудудиға разведка дрони учирган, шундан кейин баравар ўт очши реактив тизимлари билан таиландлик ҳарбийларни ўққа таъна.

Камбоджа мудофаа вазирлиги эса Таиланд қўшини асоссиз боққин уюштиргани ва қуролли кучлар “Ўзини ҳимоя қилиш тартибидеда жавоб қайтаргани”ни айтмоқда.

РОССИЯДА ЯНА БИР ЧЕКЛОВ



Россия Давлат думаси ялпи мажлисда “билиб туриб экстремистик материаллар”ни интернетда қидирганлик учун 5 минг рублгача жарима

тўлаш ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга VPN хизматларини реклама қилганлик учун 500 минг рублгача жарима солишни назарда тутувчи ўзгартириш ҳам киритилди.

ХИТОЙДА 6G СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

“China Mobile” компанияси дунёдаги биринчи кичик миқёсли тажрибавий олтинчи авлод – 6G алоқа тармоғини ишга туширганини эълон қилди. Синов инфратузилмаси 10 та таянч станцияни ўз ичига олади. Бу ҳақда “MyDrivers” хабар бермоқда.



Маълум қилинишича, лойиҳа тадқиқот мақсадларида амалга оширилмоқда ва жорий босқичда тижорат мақсадларида фойдаланишни кўзда тутмайди.

Дастлабки синовлар давомида маълумотларни узатиш тезлиги 280 Гбит/с га етган. Бу 5G тармоқларининг назарий максимал кўрсаткичидан 14 баробар юқори дегани. Бундай тезликда 50 Гб ҳажмдаги маълумотни бир ярим сониядан камроқ вақт ичида узатиш мумкин.

COLGATE ТИШ ПАСТАСИ ТАҚИҚЛАНДИ

Аргентина ҳукумати аҳолининг шикоятларидан сўнг “Colgate Total Active Prevention Clean Mint” тиш пастасининг истеъмоли, тарқатилиши ва реклама қилинишини тақиқлади.

Истеъмолчилар тиш пастасидан фойдаланганча, оғиз бўшлиғи тўқималарида яллиғланиш, пуфакчалар, яралар, ачишиш, шиш ва оғриқ пайдо бўлаётганидан шикоят қилган. Ҳозиргача аҳолидан 19 та расмий мурожаат келиб тушган. Уларнинг барчаси айнан ушбу махсулот турига тегишли эканини билдирган.



МИЛЛАТ ОЙДИНЛАРИ

Яқин тарихнинг оғриқли, кам ўрганилган саҳифаларида қатагон қурбонлари ҳақидаги маълумотлар тобора ойдинлашиб бораётир. XX асрнинг 30-йилларида минглаб ўзбек зиёлилари, маърифатпарварлар қаторида асоссиз айбловлар билан фожиалар қурбонига айланган жаҳидлاردан бири Маннон Рамзий бўлади.

Бу ном илк бор мустақиллик йилларида тадқиқотчилар эътиборига туша бошлади. 2009 йили Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган “Тарихнинг номаълум саҳифалари. Ҳужжат ва материаллар. Биринчи китоб” тўпламидан ўрин олган тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабов мақоласида Рамзий ҳақида айрим маълумотлар келтирилади. 2012 йили “Шарқ” нашриётида босмадан чиққан “Ўзбекистонда советларнинг қатагон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб)” асарида унинг ҳаётига тերанроқ назар ташланади.

Айни пайтда ушбу икки манбадан бошланган саъй-ҳаракатлар орқали Маннон Рамзий шахсияти, фаолияти ва фожиали қисмати ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлиш имконияти юзга келди. Бошқача айтсак, илмий тадқиқотлар ва архив манбалари асосида унинг ҳаёти тарих саҳифасига қайта ёзилмоқда.

Маннон Рамзий 1896 йили Самарқанд шаҳрида дунёга келган. Айрим манбаларда унинг Тошкентда туғилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Ҳар икки шаҳар ўз даврида Бухоро амирлиги ва Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида бўлган бўлса-да, маънавий жиҳатдан мустақил яшаган, билим ва тараққиёт марказлари сифатида танилган. Шу жиҳатдан қараганда, Рамзийнинг болалик муҳити қайси шаҳарга тўғри келишидан қатъи назар, унинг фикр ва тафаккури жаҳидлик руҳи билан сўғорилган муҳитда шаклланиганини тахмин қилиш қийин эмас.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд ва Тошкент ҳадиҳ мактаблари кенг оммани саводли қилишга бел боғлаган пайтлар эди. Шаҳарларда Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний ва бошқа маърифатпарварлар таъсис этган янги услубдаги мактаблар фаолият олиб борарди.

Расмий мактаб ёки мадрасада ўқигани алоҳида қайд этилмаган бўлса-да, Рамзийнинг кейинчалик давлат ва жамоат ишларида,



МАННОН РАМЗИЙ

матбуот ва таълим соҳаларида тутган ўрни, ўз давридаги мураккаб масалаларга теран ёндашуви унинг пухта билимга эга шахс бўлганини яққол тасдиқлайди.

Маннон Рамзий 1918–1930 йилларда партия ва давлат идораларида ишлаб, ўзини юксак салоҳиятли, ташаббускор ва ишончли кадр сифатида намоён этди. 1922 йили у Тошкент шаҳри Эски шаҳар ижроия кўмитасига раҳбар этиб тайинланади. Табиийки, бу лавозим ўша йилларда ҳудуддаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларни тўғри бошқаришни талаб қиларди. Айнан ана шу ишонч ва салоҳият 1924 йили қаҳрамонимизни янада масъулиятли вазифа – Помирга хизмат сафарига юборилишига асос бўлади. Шу тариқа Рамзий бутунлай бошқа дунёқараш, бошқа маданият, бошқа турмуш тарзига эга Ҳамият ичига кириб боради. У маҳаллий аҳоли орасида таълим масаласини кун тартибига олиб чиққан маърифатпарварлардан бириди. Помирда орттирган таъриба Рамзийнинг кейинги фаолиятига, айниқса, таълим ва маориф соҳасидаги иш услубига жиддий таъсир кўрсатган.

Маннон Рамзий Ҳамиятда янги фикрлаш тарзини шакллантириш, ижтимоий ўзгаришларни тушунириш ва муаммоларни очик ёритишда матбуотни асосий восита сифатида кўради. 1927–1929 йиллар оралмида “Туркистон”, “Камбағал деҳқон”, “Қизил Ўзбекистон”

газеталари, шунингдек, “Ер юзи” ва “Маориф ва ўқитувчи” журналларида муҳаррир сифатида фаолият кўрсатади. Бу нашрлар ўз даврида жамоатчилик учун асосий ахборот манбаи ҳисобланган. Архив материалларида Рамзийнинг мақолалари мунтазам чоп этилгани, уларда таълим, маданият ва маърифат соҳаларига оид масалалар муҳим ўрин эгаллаганини кузатамиз. У ўз чиқишлари орқали эл орасида ўта куюнчак, бошқарув салоҳиятига эга раҳбар ва муаммони амалиётда ҳал қилиш қобилиятини ўзлаштирган шахс сифатида тилга туша боради.

Айнан матбуот орқали намоён бўлган ушбу малака натижасида 1927 йили Маннон Рамзий Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлигига тайинланиб, таълим ривожига катта ҳисса қўшади.

Бироқ унинг мустақил қарашлари сиёсий айбловлар билан тўқнаш келиб, 1930 йилнинг 1 сентябрь куни “Наркомпрос иши” деб номланган сохта айбловлар тўплами асосида ҳибсга олинади.

Ҳужжатларга кўра, Рамзий 1933 йил 31 мартда Москвада ўтказилган ёпиқ суд мажлисида дастлаб тўққиз нафар айбланувчи қаторида ўлим жазосига ҳукм қилинади. Бир неча ой ўтиб, ҳукм қайта кўриб чиқилади. Ўлим жазоси 10 йил озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилади. Айрим манбаларда қайд этилишича, бу қарор ЎзССР КП(б) Марказий Комитети биринчи котиби Акмал

Икромовнинг шахсий аралашуви билан амалга оширилади. Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ Рамзийнинг маориф соҳасидаги бекиёс мавқеи ва меҳнатидан дарак беради.

1934 йилда озод қилинган, Рамзий юртга қайтиш имконсизлиги боис Ростов-Дон шаҳрига жўнатилади. Ўша ерда у “Ростсельмаш” заводда кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи лавозимида иш бошлайди. Четдан қараганда, унинг билим ва тажрибасига яна ишонч билдирилгандек туюлса-да, бу ишонч ортдаги ўйинлар кўп ўтмай аён бўла бошлайди.

1937 йил 17 август куни ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигидан келган хатга асосан Маннон Рамзий тагин ҳибсга олинади. Турар жойи тинтув қилиниб, соқчилар кузатувида Тошкент шаҳрига, ички ишлар халқ комиссарлиги ихтиёрига жўнатилади. Тергов ҳужжатларида Рамзий “Миллий истиклол” ташкилоти аъзоси сифатида тилга олинар экан, бу ташкилотнинг мавжудлиги, мақсади ва таркиби ҳақидаги маълумотлар ёзма гувоҳликлар орқали шакллантирилиб, унга кўра, Рамзий Боту, Олтой ва бошқа шахслар билан бирга совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борган деб кўрсатилади.

Унинг фаолияти, ҳатто бир пайтлари ёзган мақолалари, матбуотдаги илғор чиқишлари – ҳамма-ҳаммаси кутилаётган ҳукм учун етарли далил ўлароқ синчиклаб кўриб чиқилади.

Миллийликка оид ҳар қандай фикри “миллатчилик” деб баҳоланиб, танқиди “аксилинқилобий ҳаракат” сифатида ҳужжатга тикилади.

Тўғри, мазкур тергов жараёни Маннон Рамзий учун илк синов эмас эди. Бунга қадар “Наркомпрос иши” ортдан бир бора ўлим ёқасидан қайтган қаҳрамонимиз маълум муддат шахсий ҳаётини йўлга солишга уринди, аммо бу галги терговда унинг устидан ёғдирилган сохта айбловлар Рамзийни ўлим чангалидан олиб қолмади.

1938 йил 27 апрелда Москвадаги ёпиқ суд мажлисида Рамзий РСФСР Жиноят кодексининг 58–1а, 58–7, 58–8 ва 58–11-моддалари асосида айбдор деб топилади. Суд мажлисида гувоҳлар қақирилмайди, ҳимоячиларнинг иштирок этишига ҳам йўл қўйилмайди. Ҳукм ўша куниёқ чиқарилиб, Маннон Рамзий отиб ташланади.

Орадан йигирма йил ўтиб, 1956 йил 26 сентябрда Маннон Рамзийнинг рафиқаси Турсуноя Рамзиева СССР Бош прокурори номига ариза йўллайди. У ўз мурожаатида умр йўлдошига нисбатан чиқарилган қарор юзасидан адолатли ечим сўрайди. Аризада унинг партияга садоқати, Ҳамият олдидаги хизматлари ва маърифатпарварлик фаолияти ҳақида ёзар экан, “Ўзбеклар орасидаги биринчи маърифатчи коммунистлардан бири”, дейди.

Ҳаёт йўлини ҳалол яшаб ўтган инсоннинг исмини оқлашга уриниш сўрови жавобсиз қолади. Хуллас, Маннон Рамзий ўз тақдири мисолида бутун бир тарихий авлоднинг кураш ва интилишларини ифодалаган шахсдир. У жаҳидлар сафида истиқлол ғоялари, таълим, маърифат ва миллий кадриятлар учун фаол хизмат қилган. Унинг ҳаёти ва фаолияти бугунги кун учун хотира эмас, том маънода ўрганиш, таҳлил ва ҳулоса чиқариш манбаи ҳамдир.

Рамзийга оид маълумотлар орасида ҳали тўлиқ очилмаган, тадқиқ-талаб саҳифалар бисёр. Шу боис агар кимда ким Маннон Рамзийнинг фарзандлари, қариндошлари ёки у ҳақидаги янгиликларга эга бўлса, “Jadid” газетаси тахририяти ёки Андижон давлат университети қошидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейига мурожаат қилишини сўраймиз. Бу борада сизу биз қўшадиган ҳар қандай ҳисса ва улуш тарихий адолатни тиклаш йўлидаги умумий масъулиятимиздир.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми.

Бошланиши ўтган сонларда).

Абдуллажон Жувномардиев – 1892 йили Қўқонда туғилган. Миллати ўзбек. “Али” мадрасасини битирган. У суд ҳимоячилари коллегиясининг аъзоси бўлган. 1921 йилдан “Миллий иттиҳод” ташкилотига аъзо бўлган Абдуллажон Жувномардиев жаҳидлар билан ҳамкорликда саводсизликни тугатиш мактабларини ташкил этган ва мактабларда дарс берган.

Олий суд раиси Саъдулла Қосимов ва Бош прокурор Шамситдин Бадриддинов билан яқиндан алоқада бўлгани ҳолда Абдуллажон Жувномардиев ер мулки мусодара қилинаётган ва сургун этилаётган “бой-қулоқ”ларнинг қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилган. Уларни жазодан қутқарган.

Шунингдек, Каганович районида 12 нафар инсонни муқаррар жазодан сақлаб қолган. Абдуллажон Жувномардиев 1937 йил 29 августда ҳибсга олинди, шу йилнинг 21 ноябрида 10 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинади. Жазо муддатини ўтаб қайтган, 1949 йил 24 июнда қайта ҳибсга олинган. Шу йил 17 декабрь куни умрбод яшашга Красноярскийга сургун қилинади. У 1957 йил 28 январда реабилитация қилинган. Абдуллажон Жувномардиев 1978 йил вафот этган.

Неъматжон Оғалиқов – 1877 йили Қўқонда таваллуд топган. “Турк адам марказия” партиясининг фаол аъзоси бўлган. 1918 йил Туркистон мухториятини ташкил этишда фаол қатнашган. 1920 йил “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлган Неъматжон Оғалиқов 1937 йил 21 ноябрда “учлик” ҳукми билан 10 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига юборилади. У 1957 йил 28 январда реабилитация қилинган.

Юнусхонхўжа Оғалиқов – 1884 йили туғилган. Миллати ўзбек. Қўқон шаҳрида яшаган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлгани учун 1926 йилда 7 йил муддатга сургун қилинган. 1934 йил сургундан қайтиб келган, “колхозларда бўғдой йўқлиги, очарчилик ҳукм сурётганлиги, одамлар совет давлатининг ёлғонларидан норози...” деб айтганликда айбланиб, 1937 йил 21 ноябрда отувга ҳукм қилинган. Жазо 1937 йил 18 декабрда амалга оширилган. Юнусхонхўжа Оғалиқовни 1957 йил 28 январда реабилитация қилишди.

Каттахўжа Бобохўжаев – 1892 йили Қўқонда туғилган. Миллати ўзбек. Тайпақ қишлоғида совет ҳокимиятига қарши кўтарилган ташкилотга раҳбарлик қилган. Миллий истиклол учун кураш йилларида Эшмат Қўдобошининг ўринбосари, кейинчалик мадрасанинг қўроқининг “понсод”и бўлган. Унинг бошчилигида миллий истиклол курашчилари Сирдарё қирғоғи Оқжар ҳудудидagi Қорашаҳар номили текисликкача бўлган ҳудудда назорат ўрнатган эди.

Қўзғолон кўтаришга урингани учун Каттахўжа Бобохўжаев 1937 йил 4 декабрда отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1937 йил 28 декабрда ижро этилган. Орадан йиллар ўтиб, 1962 йил 29 мартда Каттахўжа Бобохўжаев реабилитация қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Нигорихон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).

МУТОЛАА

БАҲРОМБЕК ТАРЖИМОН КИМ БЎЛГАН?

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Сирожиiddин Аҳмад Баҳромбек Таржимонга бағишланган янги асарни китобхонларга тақдим этди. Олим Баҳромбек Таржимоннинг П-32607-рақамли “Жиноий иш” ва архив материаллари асосида маърифатпарварнинг таржимаи ҳолини тиклаган ҳамда “Миллий ашъори Таржимон” тўпламини тўлиқ таъдир қилган.

Баҳромбек Таржимон (Давлатшоёв) 1871–1933 йилларда яшаган ўзбек зиёлиси, шоир, ёзувчи ва таржимон. Незматулло Мухтарамнинг “Тазкират уш-шаро” асарида ёзишча, “Таржимон – тил шевазининг андалиби ва сўз бўстонининг хазордостои (булбули) каттақўроғонлик Баҳромбекнинг таҳаллуридир”. Пулатжон Домулла Қайюмий эса “Тазкирани Қайюмий” асарида “Таржимон – бу киши бухоролик бўлиб, номи Мулла Баҳромбек Давлатшоҳ ўғлидур. Ўзистийимизча, Амир Абдулаҳдхон саройида русчага таржимон ва хатлар, алоқалар устида мудир сифатида турар эмиш. Бу киши Бухорога сўнгра борган бўлса керакдур. Жаҳидизм журналларида илм олиш тўғрисида ўтлик, афсусли илмга тарғиб этиб ёзган ашъорлари бўлур эди. 1910 йиллардан бошлаб шуҳрати кўрулди...” дейди.

Баҳромбек Таржимон дастлаб Абдураззоқ Салимбоев қўлида мирзалик қилган. Кейинроқ Бухоро қушбегисига таржимон бўлиб ишга қиради. Тўрт йил ўтиб қушбеги уни амир

девонига ўтказди. Шу тариқа 1898 йилдан бошлаб Абдулаҳдхон ва Амир Олимхон саройида таржимонлик қилади. Амир Абдулаҳдхон “қорувулбеги” унвони билан тақдирлаган, исмига “бек” сифати қўшилади.

Баҳромбек Таржимон 1917 йилгача амирлик девониди таржимонлик билан шуғулланган. Март ойида Туркистон ХКС раиси Ф.Колесевнинг амирликка қарши босқини даврида советларга қарши ташвиқот олиб борган. Аммо ўша воқеадан сўнг амирлик томонидан “Ёш бухороликлар” ҳаракати билан алоқадорликда гумон қилинган. Натижада Бухоронинг тоғлик қишлоқларидан бирида махфий яшаб, имомлик қилган.

У 1920 йилги инқилобдан кейин Бухоро Халқ Жумҳуриятида, Файзулла Хўжаев ҳукуматида дастлаб терговчи, сўнг ҳукумат идораларида турли лавозимларда ишлаган. Аммо “совет ҳукуматида қарши киши” сифатида айбланиб, қамоққа олинган. 1923 йилда қамоқдан чиқарилган, Каттақўроғонга келиб, ота ховлисида яшаб, шаҳар молия бўлимида ишлаган. Яқинда қамоқдан чиққанига қарамай, Баҳромбек Таржимон Колесев воқеаларига қаршилик кўрсатишда қайта айбланиб, 9 ойга барча сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлардан маҳрум қилинган.

Баҳромбек Таржимон 1929 йил 1 сентябрда ўтказилган терговда эътиқодига кўра, барча миллатлар ўз тақдирини ўзи белгиллаш тарафдорли, эркин тараққиёпарвар эканлиги, компартияни қўлламаслигини, Оренбургда чоп этиладиган “Вақ”



газетасида мухбир бўлганлиги ва Буларнинг барчаси уларнинг гумонига сабаб бўлганини таъкидлайди.

Қамоққа олиш вақтида унинг уйдан икки жилдлик қўлёзма асарлари, 98 донга турли ёзишмалар, 2 донга сурат, кундалик, 2 донга ёндафтар, сон-саноксиз китоб, 1910 йилда чоп этилган “Миллий ашъори Таржимон” шеърий тўплами, амир Олимхон саройи ҳаётига оид 1925 йилда ёзилган “Мустабиднинг ҳайкали ва фахш ўчоғи” номли асари, Бухоро амири Абдулаҳдхоннинг бир аёл туфайли икки мулозим тақдирини ноҳақ ҳал қилганига бағишланган “Икки тақдир” сарлавҳали тугалланмаган романи мусодара қилинган.

Афсуски, Баҳромбек Таржимон ҳам давр қурбонига айланади. Камига у 1906 йилда “Тараққий” газетасида босилган мақоласида айрим дин вакилларини кескин танқид қилган эди. Шу боис кўп уламопар ҳам уни

ёмон кўришар, динсизликда айблаб, жазоланишини талаб қилишарди. Натижада Баҳромбек Таржимон 1929 йилнинг 13 сентябрида ўтказилган терговдан сўнг қамоққа олинган ва 1930 йилнинг 23 апрелида беш йил муддатта Шимол ўлкаларига сургунга ҳукм қилинган. У айбсизлигини исботлаш, ҳеч бўлмаса ахволини енгилаштиш, жазо муддатини камайтиришини сўраб, “...Биз қандай гуноҳ учун бундай жазо олганимизни билга олмаймиз”, дея Файзулла Хўжаев номига ариза йўллайди. Таассуфки, бу мурожаатнинг манзилга етиб боришига йўл қўйилмайди. Оқибатда 1933 йилда қаҳрамонимиз совуқ ўлка қамоқхонасида вафот этади.

Баҳромбек Таржимон ўз даврининг мутафаккирлари, миллат ходимлари бўлмиш Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов ва татаристонлик Абдурашид қози Иброҳим, Мусо Жоруллох, Фотих Каримий ва турк, озарбайжон, адибу шоирларининг таъсирида ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар сабабли ҳаётга танқидий назар билан қараш, миллатни ўйғоқ ҳолда кўришни устади.

У шеърият ва публицистикада баракали ижод қилди. “Шўро” журналида босилган шеърлари, “Миллий ашъори Таржимон” тўплами буни тасдиқлайди. У Туркистон халқининг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилаётганлигида жим қараб тура олмади. Ўша даврда оврупаликлар ва руслар орасида “мусулмонлар – қолоқ халқ” деган фикр мавжуд эди. Баҳромбек Таржимон бунинг сабабларини ўр-

Холиёр САҒАРОВ



ТАНЛОВ

“Jadid” gazetasi
2025 йил 20 июнь
25-сонида Ўзбекистон
Республикаси Мактабча
ва мактаб таълими
вазирлиги билан
ҳамкорликда “Долзарб
90 кун” лойиҳаси
доирасида мактаб
ўқувчилари орасида
Ватанга меҳр-муҳаббат
ва садоқат, миллий
қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат туйғулари тараннум
этилган, шунингдек, маърифатпарвар жадидларнинг
ибратли фаолиятини мустақил таҳлил ва талқин қилишга
бағишланган



“ЖАДИД БОБОМГА МАКТУБ”

ижодий иншо танлови эълон қилинган эди.

24 июль ҳолатига кўра, танловга жами 16 760 та иншо келиб тушди ва бу кўрсаткич кундан кунга ошиб бормоқда. Танлов бутун республика бўйлаб катта қизиқиш уйғотди ва барча ҳудудлардан ёшлар фаол иштирок этмоқда.

Қуйидаги жадвалда таҳририятимизга йўлланган мактубларнинг ҳудудлар бўйича тақсимоли билан танишинг:

ҲУДУДЛАР КЕСИМИ БЎЙИЧА:

Фарғона	3 734
Наманган	2 587
Навоий	2 518
Самарқанд	1 906
Тошкент ш.	1 352
Андижон	1 016
Бухоро	930
Сурхондарё	640
Тошкент вил.	611
Қашқадарё	511
Қорақалпо-ғистон Рес.	345
Хоразм	337
Сирдарё	154

Мактабча ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ҳозирда 10 460 та умумий ўрта таълим мактаби фаолият юритмоқда. Уларда жами 7,4 миллиондан ортиқ ўқувчи таҳсил олмақда. Аслида, мазкур танловни ўтказишдан кўзланган мақсад мактаб ўқувчиларида миллий ғурур, тарихий онг ва бадий тафаккурни ривожлантириш; жадид маърифатпарварларнинг ҳаёти, фаолияти ва меросини ўрганишга қизиқишни кучайтириш; ижодий

фикрлайдиган, ўз тарихини яхши биладиган, фикрини адабий ифодалай оладиган ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир. Шундай экан, келинг, ушбу эзгу ташаббусга сиз ҳам ўз ҳиссангизни қўшинг, азиз газетхон!

Танловда юртимиздаги исталган мактабнинг ўқувчилари иштирок этишлари мумкин. Мактублар албатта кўлда ёзилган бўлиши шарт. Уларни почта орқали юбориш ёки электрон шаклда сканерлаб, таҳририятимизнинг расмий электрон почтасига жўнатиш мумкин. Алоҳида таъкидлаш керакки, ўзи ва тенгдошлари ёзган мактубларни таҳририят биносига шахсан ўзлари келтириб бераётган ёшларимиз ҳам бор.

Эслатиб ўтамиз, “Jadid” газетаси ҳамда Мактабча ва мактаб таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловга ижодий ишлар 20 августга қадар қабул қилинади. Ҳар бир иштирокчи “Jadid” газетасининг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларига обуна бўлиши шарт.

Мурожаат учун:
(77) 199-22-10;
(95) 795-75-09;
@jadiddanlovi_bot

МУЛОҲАЗА



“Менга ёқди”, “Унга ҳам ёқди”, “Ўҳ-хў! Жуда кўп одамга ёқибди”... Ижтимоий тармоқларда бу каби хулосалар учун “пойга” бошланиб кетганига ачина бўлди. Аммо “Нима ёқибди?”, “Кимга ёқибди?”, “лайк”чиларнинг савияси қандай?.. деган саволлар, афсуски, жавобсиз....

Тарихан қайсидир ғоя ва мақсадларни юзага чиқариш ёки сиёсий жараёнлардаги ўзгаришларни амалга ошириш учун оломончилик кайфиятидан устомонлик билан фойдаланилган. Ҳозир ана шундай тоифанинг қизиқишларидан келиб чиқиб, медиамаҳсулотининг ижтимоий-маънавий зарари, ғайриахлоқий жиҳатларини англамаган ҳолда кўнгилхушлик ва “лайк” ишқибозлиги ортидан пул топаётганлар ҳам бор. Мен бундай кимсаларни кўр-кўрона жарлик томон бораётган, ортидан ўз яқинлари, бошқалар ва келажак авлодни ҳам эргаштириб кетаётган манкуртларга ўхшатаман.

Яқинда ижтимоий тармоқларда бир видеолавҳа тарқалди. Келинчак тор-танқис, очик-сочик кўйлақда бойвачча қайнотасига мастонавор чой узатяпти. Қайнота ҳам кўча кўрган, енгилтак келин билан тезгина тил топишди. Ҳўш, нима бўпти, оддий видео-ку, дейишингиз мумкин. Йўқ, ахир ўзбек хонадониде келин қиз, қайнота ота ўрнида эмасми? Қайси эс-хуши жойида бўлган падар фарзандининг жуфти ҳалолога бундай шум назар билан қарайди?

Аслида бундай лавҳалар орқали миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган, миллат шаънига иснод келтирувчи шоулар яралмаяптими? Тўғри, кимдир бу эпизоддан ёқа ушлади, яна кимдир маломат қилди, бошқа бировлар эса Ғарбнинг таъсири эканини таъкидлади. Томоша эса катта контентда ҳамон кўриляпти. Уни ижтимоий тармоқ саҳифаларига жойлаганлар “просмотр” сони

ШОХИГА УРСАНГ, ТУЁҒИ ЗИРҚИРАЙДИ

ошаётганидан хурсанд, аммо... Бизни ташвишлантираётган асосий гап – шу зайл оммани ахлоқсизликка кўнктириб бораётганимиз. Аввалига одамлар бундай ҳолатларга, албатта, танқидий кўз билан қарайди, кейин “илгари ҳам шунасини эшитгандим” дейди, бора-бора оддий ҳол билиб, кўл силтаб қўя қолади. “Гапирверсанг бети қотади”, деган гап бекорга эмас-да...

Бу каби эпизодларни суратга олаётганлар ва уни молиялаштираётганлар айнан нимани кўзда тутишади ўзи? Бугун оммавий коммуникация тарғибот ва ташвиқотнинг жуда катта каналига, кучига айлангани рост. Медиамаҳсулотлар ва уларнинг турлари ҳам шу қадар кўпки, барчасини назорат ва таҳлил қилишнинг иложи йўқ. Ҳеч бўлмаса, келажакимиз давомчилари бўлмиш болаларимиз учун махсус тайёрланаётган кичик видеолавҳалар, мультипликацион фильмларнинг ҳам улар тарбияси, дунёқараш ва ғояларига қай даражада таъсир кўрсатишини ўрганиб бўлмай қолди.

Бир қараганда дуппа-дуруст фильм намойиш қилиняпти, аммо қайсидир жойига келганда ёшгина қиз ва муштумдай болакайнинг ўпишган саҳнаси чиқиб қолади. Ёки баъзи мультфильмларда қизалоқларнинг лабчалари чўчайтириб бўялгани, болачаларнинг таналарини кўз-кўз қилиб ўтишларини кўрган фарзандларимиз ўзларининг келгуси қиёфаларини қандай шакллантиради? Боз устига, бу каби қаҳрамонлар ижобий роллар орқали намоян бўлган бўлса... Мультфильмдаги воқеалар ривож эса ростдан ҳам қизик, гоҳида катталарни ҳам ўзига тортади.

Биз, катталар воқеалар ортидан кетаверамиз-у, уларнинг замирида яширинган ва болажонлар онгига синдирилаётган “кийиниш маданияти” ва ими-жимида сиздирилаётган фақш ғояларга эътибор беришни унутиб қўямиз. Шундай, асосий ғоя ҳамиша орқа

фонда, саҳна ортида ёки қизиқарли воқеалар қулғамига ўралиб, “яширин” тарзда кўзга кўрсатилиб, онга ўрнаштирилади.

Маълумки, халқимиз ҳаётида асрлар бўйи жамоавийлик ҳисси устун бўлиб келган. Бу – бировнинг боласи, бу – менга бегона, деган қарашлар халқимизга хос бўлмаган. Кексалар кўча-кўйда ҳам боламан деганини керак жойда тергаб, ўрни билан тарбиялаб кетаверган. Улар ижтимоий ахлоқ меъёрларини, тарбия асосларини шу тариқа асрашган. Бугун биз ҳам медиамаҳсулотларнинг маънавий моҳиятини кузатиб боришда жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз лозим.

Ахли илм ёки ижод вакилларининг кузатувчилари ва уларнинг постларига қўйилган “лайк” белгилари айшу сафо саҳналари акс этган лавҳаларниқидан юзлаб баробар кам. Бу эса ҳаётнинг хавфли бўлган ҳолат – омма диди ўтмаслашиб бораётганидан дарак берувчи жиҳидий хатардир. Ўзи ўша омма ҳам аслида биз, бизнинг яқинларимиз, болаларимиз. Агар бундай постларни кузатмасак ва эътибордан четда қолдирсак, энг муҳими, фарзандларимизнинг медиа дидини, медиа эҳтиёжини тўғри тарбиялай олсак, бу оммавий дидни оширишнинг муҳим бир босқичи бўлади. Тўғри, бу осон эмас. Негаки, кўрма деган нарсани кўриш, олма деган нарсани олиш – одамзод табиятига хос. Демак, тарбия усулларини ҳам, ижтимоий тарбия тизимини ҳам шундан келиб чиқиб яратишимиз ва амалга оширишимиз лозим.

Хуллас, шов-шув яратаётган ва миллий қадриятларимиз ўзагига чанг солаётган медиамаҳсулотлар замиридаги маънавий бузуқ ғоялардан огоҳ бўлиш – миллат келажак учун қайғуриш демакдир.

Камолитдин ТўРАЕВ,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

ТИЛБИЛИМ

БЎРБОЙ

“Бўрбой” (“бўрбай”, “бўрвай”) деган сўзни эшитганмисиз? Бу сўз изоҳли лугатда йўқ, демак, адабий тилда ҳам йўқ, лекин шеваларда бор, шунинг учун “Ўзбек халқ шевалари лугати”да бор.

Хўш, “бўрбой” нима? Адабий тилдаги “болдир” билан айнан бир маънога эга, яъни оёқ тиззаси ёки тақимдан то тўпикчага бўлган қисми баъзи шеваларда “бўрбой” деб аталади.

Кимдадир “тақим нима?” деган савол ҳам туғилиши мумкин, “тақим – оёқнинг тизза ости букиладиган жойи” эканлиги изоҳли лугатда қайд этилган. Бу сўз “тақмоқ” феълдан ясалган, мисол: “чавандоз улоқни тақимига босди” ёки “қизнинг сочи тақимига тушади”. Лекин “тақим” ҳам кейинги пайтларда “узун соч” билан бирга унутилиб бормоқда.

“Болдир” сўзи суякка нисбатан ҳам ишлатилади: “болдир суяги”, “сон суяги”, лекин “бўрбой” – кўпроқ этга, пайга нисбатан: “Махси тор экан, бўрбойимни сиқди”. “Ўзбек халқ шевалари лугати”да Шаҳрисабз шевасидан ушбу мисол келтирилган: “бўрвайимдек келада ман кўрган илон”. Жиззахда эса “бўрбай” деганда “тақим” тушунилар экан: “улоқ човганда бурбайга қисати” (ЎХШЛ.Т.1971.54).

“Болдир”дан фарқли ўлароқ, “бўрбой” шевада яна оёқ қийимига нисбатан “кўнж” маъносиде



ҳам ишлатилади: “бўрбойи узун этик” – “кўнжи узун этик”, “бўрбойли ботинка” – “кўнжли ботинка”, “бўрбойли калта этик” ва ҳоказо.

“Бўрбой” аслида мўғул тилларидан турк тилларига ўзлашган, деган қараш устувор, чунки “Мўғул тиллари этимологик лугати”да ҳам: “халхача: borbi – “товон пайлари; бурятча: “борбо” – болдир; қалмиқча: “бөрв” – болдир пайлари, тақим”, – деб изоҳланган (ЭСМЯ.І.М.2015.98). Шунингдек, XIII аср обидаси, эски мўғул тилида Чингизхон тарихи битилган ва кейинчалик “Мўғулларнинг яширин тарихи” деб номланиб кетган асарнинг 255-параграфида ҳам бу сўзга “болдир” маъносиде – “borbi” шаклида дуч келамиз (“borbin-iyap kinggürü çabıldusu”).

Бироқ бу сўз фақат мўғул тилларида эмас, балки аксарият турк тил ва лаҳжаларида ҳам мавжуд бўлиб, гарчи тананинг турли аъзоларига нисбатан ишлатилса-

да, кўпроқ “пай”, яъни “бирлаштирув тўқима” маъносига эга. Мисол учун, қозоқ ва қирғизларда бу сўз – “борпай” шаклида “чов” маъносиде; олтой, ёқут, қўмиқ, нўғай, бошқирд тилларида: “пай”, “бирлаштирувчи тўқима”, “сон”, “тақим” каби маъноларга эга экан. Ҳатто, бу сўз усмонли туркчасининг баъзи шеваларида ҳам бўлиб, “қўлнинг билаги” маъносини билдираркан (ЭСТЯ.ІІ.194). Аммо “Девону луғотит-турк” ёки “Қутадғу били” каби манбаларда “бўрбой” сўзи учрамайди.

Алқисса, бу сўзнинг турк тилларида ҳам “бўрбой”, “борпай”, “порбуй” каби шаклларда мавжудлиги ва кўпроқ “пай” маъносини билдириши ва шаклан ҳам “пай”ни эслаши, унинг келиб чиқиши мўғулчага эмас, балки олтой ёки прототурк тилидаги қадимги умумий ўзакка бориб тақалиши мумкин, деган фаразга ҳам олиб келади.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

ЯНГИ НАШР

ДАРД ВА ҒУРУР МУЖАССАМ

Тошкент шаҳри, 21 июль. Ғалаба боғида ўз ҳаётини юрт ҳимоясига бахшида этган, халқимиз тинчлиги ва давлат мустақиллиги учун жон берган 23 нафар аскар ва зобит хотирасига бағишланган “Елкамда Ватаннинг юки бор” номли китоб-альбомнинг илк тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Мазкур китоб-альбом Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан тайёрланган бўлиб, унда Ватан ҳимояси, эл осойишталиги йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган фидойи ҳарбийларнинг ҳаёт йўли, хизмат фаолияти, оиласи, орзулари, меҳнат-севарлиги ва жасорати тафсилотлари мақола, шеър, суратлар орқали акс эттирилган.

Тақдиротда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, сенатор Сирожиiddин Саййид, Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари Ҳамдам Қаршиев, Ватан учун жон берган аскар ва зобитларнинг ота-оналари, оила аъзолари, ижодкорлар, ҳарбийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

– Мамлакатимизда нафақат ўтган асрлардаги, балки яқин тарихимизда Ватан учун жон берган шахидларни хотирлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Инсон қадри ғояси ҳам аслида мана шундир. Зеро, юрт хавфсизлиги ва миллат тинчлиги йўлида ўз жонини қурбон қилган бу йигитларни



унутишга ҳаққимиз йўқ, – деди Отабек Ҳасанов.

Тадбирнинг энг ҳаяжонли лаҳзалари, шубҳасиз, шахидларнинг ота-оналари сўз олган пайт бўлди. Ҳар бир она ўз фарзандининг орзу-умидлари, болалигидаёқ бўй кўрсатган эзгу фазилатлари, хизматга киргач, шаклланган феъл-атвори, сабр-тоқати ва оилга эътибори ҳақида фахр билан сўз юритди. Уларнинг сўзларида дард ва ғурур мужассам эди.

Тақдиротнинг бадий қисмида таниқли санъаткорлар томонидан Ватан, она, садоқат, жасорат мавзуларини ўзида мужассам этган шеър ва қўшиқлар ижро этилди.

Мазкур китоб-альбом Янги Ўзбекистон ёшларида ватанпарварлик, фидоийлик ва шукроналик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Jadid

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шўҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Рустамова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 175
Шундан:
Кирилл ёзувида – 7 497
Лотин ёзувида – 11 678
Медиа кузатувчилар – 87 776
Буюртма: Г – 739
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

**“Шарқ” наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.**

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:00
Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz